O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 20 июн, сешанба | № 25 (177) | Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА

ГИЁҲЛАР ЖИЛМОЧИ

ёки мироқилик Абдусалом ТУРСУНОВ билан учрашув

ҚАРЗИНГИЗ ЎҚМИ?

ёхуд газга ҳақ индиришнинг пешқадам усули: «ярми менга-ярми сенга»

БАДАНГА ЁПИШТИРИЛГАН... ДОЛЛАР

Тилга ҳурмат - элга ҳурмат

ҚОНУН ҲАММА УЧУН БАРОБАР(МИ?)

Тошкентда рус тилида чоп этилаётган айрим нашрларни кўздан кечирган зукко муштарий, бир қарашда унчалик аҳамиятга эга бўлмаган хатоликларга йўл қўйилаётганига гувоҳ бўлиши мумкин. Лекин ҳуқуқий нуқтаи-назардан қараганда, мазкур "жузъий" хатолар айрим қонунларимиз талаблари бажарилмаётганидан далолат бермоқда.

Мисолларга мурожаат қилсак. Қўлимизда "Ташкентская неделя" ҳафтаномасининг 1 июн 23-сони. "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун моддаларига кўра, мамлакатимиз ҳудудидаги кўча, майдон, жўғрофий объектларнинг номи ўзбек тилида, таржима қилинмасдан берилиши керак. Газетанинг 7 ва 26-саҳифаларида фирмалар томонидан берилган эълонларда ва барча хусусий эълонларда "Дружба Народов" деб ёзилган. Афсуски, "Халқлар Дўстлиги" шоҳ кўчаси ва шу номдаги концерт залининг номи барча рус тилидаги нашрларда русча ёзиб келинмоқда. Оқибатда, чет эл фирма ва ташкилотлари "Халқлар Дўстлиги" номини хорижий тилларда "Drujba Narodov Street" шаклида қўллашаётир. Пойтахтимиздаги "Ғалабанинг 40 йиллиги" мавзеси номининг рус тилида "40 лет победы" шаклида ёзилишига ҳам ҳамма кўникиб қолган.

Мазкур ҳафтаноманинг 30-бетидаги эълон остидаги манзил мана бундай тарзда берилган: "ул. Новомосковская, 30. Ориентир - пл. Куйбышева". Биринчидан, "Новомосковская" номи аллақачон "Оққўрғон" кўчаси деб ўзгартирилган. Иккинчидан, мустақил республикамизда собиқ революционер номидаги майдон ҳалигача мавжудми, деган савол киши кўнглини хижил қилади.

"Ташкентская неделя"нинг 27-бетидаги ишга таклиф қилиш ҳақидаги эълонда "Требуются юноши и девушки от 18 до 22 лет приятной внешности, европейской национальности", деб ёзилган. Барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Ишга фақат "Оврўпа миллати"га мансублар қабул қилиниши эса фуқароларнинг конституцион тенглигининг қўпол равишда бузилишини кўрсатмайдими? Қолаверса, бу ҳол Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига ҳам зиддир. Мазкур Кодекснинг 6-моддасида "...ирқи, миллати, тили... бошқа жиҳатларга қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади" деб ёзиб қўйилган.

Давлат тилига бундай беписанд муносабат айрим газеталарда чоп этилаётган Ўзбекистон телеканаллари дастурларининг кичик ҳарфларда ёзилишида ҳам кузатиш мумкин. "Ватанпарвар" газетасининг нашри "Восточные вести" ҳафтаномасида Россиянинг телеканаллари дастурлари йирик ҳарфларда берилиб, республикамизнинг телеканаллари дастурлари эса майда ҳарфларда берилган. Умуман, бу нашрларда ЎзТВ дастурларини ўқиш учун каттайтиргич ойна билан қуролланиш керакка ўхшайди.

Бу мулоҳазаларни ўқиб, реклама нашрлари мутасаддилари матнни реклама берувчилар қандай ёзиб беришса, ўшандай ўзгартирмай чиқаришга мажбур эканликларини айтиб, ўзларини оқлашга ҳаракат қилишлари мумкин. Аммо "Кимнинг аравасига чиқсанг, шунинг қўшиғини айтасан" деган нақлни муқаддас қонунларимизга хилоф хатти-ҳаракатлари учун асло қўллаб бўлмайди. Бинобарин, биринчи навбатда қонунбузилишларга йўл қўймасликка оммавий ахборот воситалари масъулдирлар.

Юқорида айтилган камчиликлар ҳақида ана шу нашрларнинг муҳаррирлари қандай фикр билдиришар экан?

Бахтиёр ШОҲНАЗАРОВ,
журналист

ТАДБИРКОР КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ БИЛСИН

Қарор ва ижро

2000 йил республикамиз ижтимоий ҳаётида муҳим воқеаларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар рўёбга чиқишини тезлаштиришда Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлигига тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш юзасидан жавобгарлик юклаганлиги ўта муҳим ҳодисалардан бири бўлди. Адлия соҳаси идораларига хўжалик юритувчи субъект, тадбиркор, фермер, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳуқуқий дастаклардан фойдаланишга қўшимча ваколат ва ҳуқуқлар берилди. Ана шу ваколат ва ҳуқуқлар доирасида самарқандлик адлиячилар ўз фаолиятларини қандай ташкил этишаяпти?

Мухбиримизнинг Самарқанд вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғи Кўчқор ТОҒАЕВ билан суҳбати шу хусусда.

- Кўчқор Тоғаевич, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 февралдаги 57-сон қарорига кўра Адлия вазирлиги қошида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил этилди. Адлия бошқармалари ҳузурида эса худди шундай фаолият билан шуғулланувчи бўлимлар тузилди. Аввало ана шу бўлим йўналиш ва мақсадлари ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз?

- Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги юқоридаги қарорга асосан бошқармамизда ташкил этилган кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими биринчи навбатда софдил, билимдон, тажрибали кадрлар билан таъминланди. Бўлимнинг асосий йўналишлари ҳамда вазифалари белгилаб олинди. Бўлим жойларда тадбиркорлик субъекти фаолиятини тартибга солиш, уларни қўллаб-қувватлаш бўйича барча қонун ҳужжатларига ва меъёрий ҳужжатларга қатъиян риоя қилиш назоратини таъминлайди. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этиш, уларни самарали фаолият кўрсатишлари учун қулай, ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароит яратиш бўйича амалдаги қонунлар ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди. Назорат органлари ўтказаётган текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳақ-ҳуқуқларни тиклаш чора-тадбирларини кўриш бўлимнинг кундалик юмушига айланиб қолди. Шунингдек, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш, давлат тузилмалари, мансабдорлар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари томонидан зимдан қаршилик кўрсатишнинг барча ҳоллари устидан мониторингни амалга ошириб, ҳар бир ҳолат бўйича айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таклифлар киритиш бўлим фаолиятининг асосини ташкил этаяпти.

Янги бўлим ва унда «Ишонч телефони» ташкил этилганлиги тўғрисида вилоят газеталари, радио ва телевидениеси орқали фуқароларга хабар қилинди. Тадбиркорларимиз ушбу телефон орқали учраётган тўсиқлар, фаолиятларига ноқонуний аралашишлар ҳақида хабар бермоқдалар. Ҳозирга қадар бўлимга ўттизга яқин ариза тушди. Уларнинг аксарияти ўрганилганда тасдиқланди.

- Мумкин бўлса, мисоллар келтирсангиз.

- Самарқанд шаҳрида яшовси фуқаро Б.Негматов 1995 йилда Дамариқ маҳалласидаги «Деҳқон бозори» ҳудудидаги дўконлардан бирини хусусийлаштириб олган. 1996 йил 21 июнда Самарқанд шаҳар ҳокимининг Дамариқ «Деҳқон бозори»ни тубдан таъмирлаш, ҳудудини кенгайтириш тўғрисида 255-сон қарори чиқади. Бошқа бинолар сингари Б.Негматовнинг дўкони ҳам бузилади. Тадбиркорнинг қўлидаги ордер асосида дўкон қуриш учун ер ажратиб беришга ваъда қилган туман ҳокими шу орада алмашади. Фуқаро Б.Негматов дўкон қуришга жой ололмай сарсон бўлиб қолади. Аризачининг важлари исботини топди. Адлия бошқармаси томонидан Самарқанд шаҳар Темирйўл туман ҳокимлигига ўн беш кун муддат ичида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритилди.

«Зирабулоқ пахта» ҳиссадорлик жамияти зиммасига Нарпай туман деҳқонлари етиштирган саноат хом-ашёсини қабул қилиб олиш мажбурияти бор. Яқинда текшириш ўтказилганда жамият бошқаруви ер майдони ўн гектардан кам деган баҳонани рўкач қилиб, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган 179 та фермер хўжаликлари билан асоссиз равишда пахта етказиб бериш юзасидан контрактация шартномаларини тузишдан бош тортаётганлиги аниқланди. Ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг бу ҳаракати «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 1, 15, 23, 25-моддалари талабларига мутлақо зид. Тадбиркорлик субъекти бўлган фермер хўжаликлари ҳуқуқларини бузиш саналади. Ушбу ҳолат бўйича вилоят «Пахтасаноатсотиш» бирлашмаси раиси номига тақдимнома киритилди. «Зирабулоқ пахта» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти эса расман огоҳлантирилди.

- Газетхонлар «Абдуғаффор» хусусий корхонаси билан боғлиқ воқеалар тафсилоти қандай якун топганлиги билан қизиқишаяпти? Тадбиркор кимларнинг айби билан азият чекиб, сарсон қилинган?

- Газетанинг кўп сонли ўқувчиларини «Абдуғаффор» хусусий корхонасининг кейинги воқеалари тафсилотлари қизиқтириши табиий. «Инсон ва қонун» газетасининг шу йил 4 апрел сонида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Абдусамат Полвонзоданинг «Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш асосий вазифамиз» мақоласида бу ҳақда айтилган эди. Тадбиркор Жумаев имтиёзли кредитни қайтариш муддати ўтмаган бўлса-да, қайта-қайта «чиғириқ»лардан ўтказилган, жиноий жавобгарликка тортилган.

Бошқармамиз фуқаро И.Жумаевнинг қонуний манфаатларини кўзлаб вилоят судига даъво аризаси киритди. Самарқанд шаҳар «Ҳақиқат» аудиторлик фирмасининг хулосасига кўра И.Жумаевга мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида унинг фаолиятини Гўзалкент тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари - Жаҳонгир Алладўстов ва Йўлдош Қўчқоровлар тафтиш қилганлар. Кейинчалик И.Жумаев тергов ва судга жалб этилганлиги учун ўз вақтида ем-хашак жамғара олмаган, чорва моллари қаровсиз қолган. Оқибатда ўн уч бош қорамол, ўттиз бош қўй нобуд бўлган. Калаванинг учини йўқотгач, беш бош қорамолни сотиб оилавий эҳтиёжига ишлатишга мажбур бўлган. Тадбиркорнинг ноқонуний жавобгарликка тортилишига Ж.Алладўстов ва Й.Қўчқоровлар асосий сабабчи. Улардан Й.Жумаевнинг фойдасига етказилган 544 минг 400 сўм моддий, 200 минг сўм маънавий зарар суд қарори билан солидар тартибда ундирилди.

- Юқоридагидек тадбиркорларга ғов бўлиш, ҳуқуқларини бузиш, фаолиятига ғайриқонуний аралашишдек салбий ҳолатлар олдини олишнинг бир жиҳати ҳуқуқий тарғиботни янада яхшилаш бўлса керак...

- Албатта. Вилоятдаги мавжуд адвокатлик ҳайъатлари, фирма ва бюролари раҳбарлари, нотариуслар иштирокида тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш юзасидан амалий машғулотлар ўтказилди. Бошқарма ходимлари ҳуқуқий тарғибот, айниқса, иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш тўғрисида қабул қилинаётган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар тарғиботи бўйича аҳоли орасида иш олиб боришаяпти. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясида қабул қилинган янги қонунлар мазмун-моҳияти ҳам фуқароларга тушунтирилмоқда. Тадбиркорлик, деҳқон-фермер хўжаликлари билан боғлиқ қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва вилоят ҳокимлигининг шу хусусдаги қарорлари бўйича Иштихон, Пастдарғом, Пахтачи, Оқдарё туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрида семинар йиғилишлар ўтказилди.

Ходимларимиз томонидан «Тадбиркорга мададкор», «Тадбиркор учун қўлланма» номли ҳуқуқий адабиётлар тайёрланиб, чоп этилди ҳамда жойларга етказиб берилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билим даражасини ошириб бориш доимий эътиборимизда. Негаки, фуқаролар ҳуқуқий билимлар билан қуролланмас экан, адолатли, эркин, демократик жамиятни барқарорлаштириб бўлмайди.

Қоя бор жойда соя бўлганидек, иқтисодий ислоҳотлар йўлида тадбиркорлар баъзан тўсиққа учрашлари, қоқилишлари мумкин. Шундай паллада тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатларига мушарраф республикамизнинг ҳар бир фуқароси қаерга мурожаат қилишни яхши билишлари лозим.

Суҳбатдош:
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЯНГИ ВАКОЛАТХОНА

Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг ваколатхонаси очилди. Ваколатхонага вилоят касаба уюшмалари кенгаши биносидан жой берилди. Кенгаш раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Азизбек Содиқов инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг вилоятдаги вакили этиб тайинланди.

Энди андижонлик фуқаролар ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларда инсон ҳуқуқлари бўйича вилоят ваколатхонасига мурожаат қилишлари мумкин бўлди.

Бу юртбошимиз Ислом Каримовнинг Республика Олий Мажлисининг 1-чақириқ XIV сессиясидаги маърузасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш, республика минтақаларида инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш зарурлиги тўғрисида қўйилган талабларга амалий жавоб бўлди.

Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Қонунбузарликка қарши муросасизлик билан

Жиззах шаҳрида бугунги кунда 150 минг нафардан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Улар осойишталигини таъминлашда шаҳар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг муносиб ҳиссалари бор. Аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғиботнинг яхши ташкил қилинганлиги, ҳудудда «тунги посбонлар гуруҳ»ларининг фаолият кўрсатаётганлиги, муқаддам судланганлар билан мунтазам иш олиб борилаётганлиги, жиноятчилик ҳамда қонунбузарлик ҳолатларига нисбатан муросасиз жамоатчилик назоратининг йўлга қўйилганлиги сабабли ана шундай ибратли натижаларга эришилмоқда.

Суратда: шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Баҳодир Абдусатторов ва прокурор ўринбосари Фарҳод Келдиёровлар ўзаро мулоқотда.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Солиқ тизимида

"МУЛЛАНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ... "

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб рақамидан пул маблағлари чиқаришнинг тартиблари учун шахсан тижорат банклари раҳбарлари ҳамда бош ҳисобчилар жавобгардирлар. Бу Республика Президентининг 1998 йил 4 февралдаги "Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда Республика бюджетини ва маҳаллий бюджетларга тўловларни рағбатлантириш чоралари тўғрисида"ги Фармонида яна бир бор аниқ-равшан белгилаб қўйилган. Аммо Республика давлат солиқ қўмитасининг дастури асосида ўтказилган текширишларда белгиланган қонун-қоидалар бузилаётганлиги равшан бўлди.

Муборак туман Миллий банк бўлимида ўтказилган текширишда корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамида мавжуд бўлган 6431 минг сўм пул тенг равишда тақсимланмаганлиги аниқланди. Тавба, наҳот ҳисоб-китобларнинг аниқ ва пухталиги учун жавобгар ташкилотларнинг ўзлари ишга шунчалик маъсулиятсизлик билан қарасалар. Ёки улар "Мулланинг айтганини қил... " мақолига амал қилаяптими? Бу ягона ҳол эмас. Қашқадарё вилоятидаги 17 та банк муассасасида ўтказилган текширишларнинг аксариятида пул тақсимлаш қоидалари бузилганлиги аниқланди. Пул маблағлари тенг равишда тақсимланмаганлиги ва бошқа мақсадларга йўналтирилганлиги учун 6 та тижорат банкига 356,6 минг сўм жарима ҳисобланди. Мансабдор шахслардан эса бюджетга 175 минг сўм жарима ундирилди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ-ФАОЛЛИГИМИЗДА

Нуқтаи назар

Тарихдан маълумки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини қидиради, янги жамият қуриб, давлат ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқишга интиладиган. Ўзбекистонда ҳам инсонпарвар, адолатли жамият қуришнинг асосий тамойиллари - кишининг турмуш тарзини кўтарадиган, жамоатчилик фикрини ҳисобга оладиган изчил тараққиёт йўли танлаб олинди. Бу йўлдан дадил одимлаб, кўзланган мақсадга эришиш - ҳар биримизнинг фаоллигимизга, фидоий бўлишимизга боғлиқ.

Биз XXI аср бўсағасида қандай давлат қураётганлигимизни, давлатимизнинг сиёсий ва ижтимоий негизи янги асрда қандай бўлмоғи лозимлигини аниқ-тиниқ билиб олишимиз керак. Сирасини айтганда, бу масалалар Конституциямизда, қонунлар ва Президентимизнинг Фармонларида кафолатланган. Лекин фақат яхши ва кўплаб қонунлар қабул қилиш билан том маънодаги ҳуқуқий адолатли давлатни қуриш мушкул. Бу норматив ҳужжатлар бир тарафдан турли ижтимоий масалаларни мустаҳкамласа, иккинчи томондан, амалдаги қонунларнинг сўзсиз бажарилишини назорат этиш тавсифига эга бўлиши зарур. Ҳуқуқий давлатда олий ҳакам аввало, қонун экан, унга бўйсуниб яшашни турмуш тарзимизга айлантирсак, жиноятчиликнинг олдини олишга эришамиз.

Улуғ аллома Арасту: "Баркамол одам барча жонзотлардан юқори туради. Қонун ва адолатга бўйсунмаган одам энг тубандир, адолатсиздан даҳшатли жонзот бўлмайди", деганида нақадар тўғрисини айтганда, қабул қилинган қонунлар ҳақида асосан аҳолининг зиёли қатламигина хабардор, десак адашмаймиз. Бу ўринда республикамизнинг қишлоқ аҳолиси ҳатто Конституцияда мустаҳкамланган шахсий ҳуқуқлари тўғрисида ҳам етарли маълумотга эга эмаслигини ачиниш билан қайд этиш жоиз. Бундай муаммоларни ечишда назаримизда, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳар бир қонун, ҳужжатларнинг ижросини қандай таъминланаётганини назорат қилиш мақсадга мувофиқ. Шунинг билан бирга қонунларни тарғиб қилишда суд, прокуратура, адвокатура, ички ишлар ходимлари жамоатчилик билан ҳамкорликда фаолият юритишлари, ҳуқуқий билимларни ўргатишни бошланғич таълимдан йўлга қўйиш, мактабда ёки бошқа билим даргоҳларида ҳуқуқ соҳасидан фақат мутахассис кадрлар таълим беришларига эришиш лозим.

Сир эмаски, оддий фуқаро, аввало, давлат номидан иш кўрадиган мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларга қай даражада амал этишларига аҳамият беради. Зотан, Президентимиз "Агар мансабдор шахсларнинг ўзлари қонунларни оёқости қилса, мазкур қонунларнинг ўзи обрўсизланади, янаям тўғрироғи, жамиятнинг маънавий асосларига путур етади", деб бежиз айтмаганлар. Ҳар биримиз атрофимизда содир бўлаётган ҳодисаларга диққат билан эътибор бериб, нафақат ўзимиз, балки қўшнимизнинг ҳам тинчлиги ҳақида қайғурсак, жамиятимизда қонун устуворлигига эришиш учун ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Наргиза ФАЙЗИЕВА,
ТДЮИ II босқич талабаси

АДОЛАТ-НАҚАДАР ТОТЛИ СЎЗ

Суд ҳукмидан сўнгги мулоҳазалар

афсуски, унинг юзини қоплаган доғлар икки бор ўтказилган суд жараёнидан сўнг ҳам ювилиб кетмади

Элда ҳамма-ҳамманинг сўзи ўз инобати, ижобатини топавермайди. Чунки тош босгувчи сўзлар ҳамма жойда ҳам бисёр. Ўз иззат-нафсини билганлар сўзини шамолга совуришмайди, шамолга совурилгувчи сўзни ҳеч маҳал айтишмайди, ножоиз сўйлаб, обрўйини тўкишмайди. Сўзни уққанларгагина айтишади. Дарвоқе, сўзни уқиш ва қадрлаш ҳам олижанобликдир. Бу дунёда сўзни уқиш ва қадрлаш фазилати, лаёқатидан бебаҳра қолганлар ҳам қанчадан-қанча.

Матбуотнинг қадри ҳамиша баланд бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Одамлар матбуотни севишади, сўзини қадрлашади, ибрат ва намуна олишга интилишади. Сир бўлса-да, айтиб қўяйлик: чоп этилгувчи материалларнинг деярли бари гарчи у муаллифнинг мулки эса-да, ўз ўқувчиси қўлига етиб боргунча нечанеча «қозонлар»да қайнаб пишади, маромига етади. Бу энди бир одамнинг эмас, бутун бошли ижодий жамоанинг сўзи, хулосаси, азму қарори. Жамоа сўзи саҳифада акс этиб, ўқувчининг тафаккурига жо бўлгани ҳамоно у ХАЛҚ СЎЗИга айланади. Шу боис ҳам уни омма фикрининг ойнаси, дейишади.

«Инсон ва қонун»нинг 1999 йил 10 август сонида «Пулни «сомса еганлар» тўласа...» сарлавҳали суд очерки чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-, 177-, 209-моддалари билан айбланган урганчлик Қадам Қурбоновнинг аччиқ қисмати баён этилди. Ўзбекистонимизнинг мўътабар номи билан тамомила «мустақил» ва «якка» ҳолда иш кўрган тергов маҳкамаси ходимининг антиқа «хулосаси» ва бу хулосани «моҳирона» меъёрига етказган ҳурматли ҳакамнинг фаолияти тасвир этилди. Айбланувчига амалдаги қонунлардан чекинган ҳолда ва бир томонлама ўтказилган тергов асосида ўта шафқатсизларча - тўққиз йил муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги таассуф билан қайд қилинди.

Ўтган йилнинг октябри, ушбу йилнинг март ойлари мобайнида Қадам Қурбоновни қайта суд қилишди ва жазо муддатини энди 14 йилга етказишди. У билан бирга қамалиб, дастлабки судда 14 йилга кесилган Ш.Йўлдошевни 16 йилга, пора бергани бирон бир далилий ашё воситасида тасдиқланмаган ва бир неча ойлик қамоқдан сўнг панжара ортидан чиқарилган яна бир айбланувчи М.Шарипжоновни 11 йилга озодликдан маҳрум этишди. Қайта суд газетамиздаги суд очеркига асосан эмас, прокуратуранинг талаби протестига биноан ўтказилди.

Судгача ва суд жараёнида кечган воқеалар тафсилоти эса аслида қуйидагича:

...1997 йил ёзининг илк ойи. Оддий ишчидан Хоразмнинг йирик бир корхонаси бош муҳандислигигача бўлган катта ҳаёт йўлини ўтаган Қадамбой Қурбоновни «Урганч-гўшт» ҳиссадорлик жамияти раислигига сайлашди. Янги раҳбар корхонани қўлами 60 миллион сўмга етган кредиторлик қарзи билан қабул қилиб олди. Бунисига ҳам тоқат қилса бўлар, аммо жамоага 2-3 йиллаб маош тўланмаётгани ва ишлар барча цехларда тақа-тақ тўхтаб қолганига-чи...? Виждони бутун одамлар бундай ўпирилишлар олдида қўл қовуштириб ўтиришмайди, бўш ҳам келишмайди. Қадамбой ҳам жим ўтиролмади, бўш ҳам келмади. Зир югуриб чора ва имкон излади. Ниҳоят чувалаган ипнинг бир учини топишга муваффақ бўлди. Тошкентлик танишларидан бири «тадбиркор» Ш.Йўлдошев башарти зарур миқдордаги чет эл валютасини гаровга қўйса, «Урганч-гўшт»га пул ўтказиб бергувчи қўли узун ташкилотларни топишга кўмаклашишини маълум қилди. Корхона ва жамоа тақдирини ўйлаб, тунларни бедор ўтказаётган раисга бу таклиф жўнроқ туюлди. Қариндошяқинларига мурожаат қилиб, айтилган пул — 40 минг АҚШ долларини тўплашга муваффақ бўлди. Гаровдаги пул тезда кучини кўрсатди (дарвоқе, хорижий давлатлар пулини гаровга қўйиш валюта олди-сотди операцияси ва жиноят аломати саналмаслиги республика Жиноят Кодекси шарҳида очиқ-ойдин ёзиб қўйилган). Мамлакат пойтахтидаги бир нечта ташкилот «Урганч-гўшт»га ваъда қилинган пулни банк орқали ўтказиб берди. Ана энди ишларнинг жўнашига умид қилса бўлади. Раис яна омилкорликка бел боғлади. Ҳисоб рақамида мавжуд пулни Тошкентга «Гўштсутсавдо» бирлашмаси тасарруфига ўтказиб, мўмай миқдорда гўшт харид қилишга эришди. Лекин гўштнинг нархи Хоразмда анча арзон, пойтахтда эса нисбатан қиммат. Боз устига бир-икки кун ичидаёқ бузилиб кетиши мумкин. Бунча гўштни воҳага етказиш учун ҳам қўшимча маблағ зарур. Шунда раис бирдан-бир тўғри қарорга келди: харид қилинган гўштни Тошкентнинг ўзида сотиш зарур. Бу масалада ҳам Ш.Йўлдошев ўз хизматини таклиф этди. «Ургнач-гўшт»нинг маҳсулотини харид қилиши мумкин бўлган идораларнинг номини айтиб берди. Корхона тайёрловчиси Б.Рўзиматовга иш топилди. Ш.Йўлдошев айтган манзилларга гоҳ ўзи, гоҳ Шаҳобиддин (Ш.Йўлдошев) билан бирга бориб, харидор излади. Ўзаро савдо-сотиқ шартномаларини расмийлаштиришга муваффақ бўлди. Натижада пойтахтдаги 10 га яқин идора ва ташкилотлар «Урганч-гўшт»нинг бир неча миллион сўмлик маҳсулотини тўхтовсиз харид қилиб олди. Бундай олди-сотдилар натижасида «Урганч-гўшт» яхшигина соф даромад ҳам орттирди. Бир неча йиллардан буён маош ололмаётган жамоага иш ҳақи тўлашни йўлга қўйиш имконлари очилди. Аммо раиснинг кўнгли бир нарсадан хижил. Тайёрловчи Б.Рўзиматовнинг баъзи хатти-ҳаракатлари унга шубҳали туюла бошлади. Бунинг устига Хоразмдан ҳар куни ёки кунора Тошкентга қатнаб ишлашнинг ўзи бўладими? Хуллас, Бахтиёр (Б.Рўзиматов тайёрловчилик вазифасидан озод этилди. Унинг ўрнига анча ҳалол ва ишчан туюлган, боз устига Тошкентдай шаҳри азимдаги зарур идоралар ҳамда уларнинг мутасаддиларини яқиндан билган эски таниши Ш.Йўлдошев тайинланди).

Омилкор одам доимо жўн ва самарали ишлашга интилади. Раис шу аснода ишга монелик қилаётган кичик бир жумбоқни ечишга эришди. Биласиз, юридик шахслар ўртасидаги олди-бердилар «ишонч қоғоз»лари ёрдамида амалга оширилади. Лекин «Урганч-гўшт»нинг савдо шериги — «Тошкентгўштсутсавдо» корхонаси ўз маҳсулотини муайян эмас, асосан номуайян вақтлардагина таклиф қила олади. Бундай вазиятларда тайёрловчининг кўз очиб-юмгунча, чақмоқ тезлигида Урганчга келиб, «ишонч қоғози» олиб кетишига йўл бўлсин. Шу сабаб Йўлдошевга аввалдан имзоланиб, муҳрланган ва рўйхатга олинган «ишонч қоғоз»ларини олдиндан беришга рухсат этилди. Бу корхонага ҳар томонлама наф келтириши мумкин.

«Ишонч қоғоз»ларигагина эмас, корхона раҳбарларининг чексиз ишончига ҳам сазовор бўлган Йўлдошев ишга бел боғлаб киришди. Ишчанлигини ҳар дамда намойиш этиб, ўзини Қурбоновнинг «катта дўсти» қиёфасида кўриш истаги уни тинч қўймасди. Шаҳобиддин бундай ишончга тезгина сазовор бўлди. «Ке қўй, Тошкент билан Хоразм орасида бўзчининг мокисидай қатнаб юрмасин», дея ўз қўлига тутқазилган 173, 174, 175, 176, 177-рақамли «ишонч қоғоз»ларининг биттаси эвазига мол олиб, уни харидорига тезгина ва тамомила қонуний равишда расмийлаштириб бергани, фойдаланилмай қолган 175, 176, 177 рақамли ҳужжатларни эса ҳаялламай корхона бухгалтериясига қайтиб топширгани раҳбарларга, айниқса, маъқул бўлди. Бироқ... Шаҳобиддин ўз қўлига тутқазилган битта «ишонч қоғози»га мол олиб, харидорга топширди, қолган учтасини эса корхонага қайтарди, дедик. Демак, тўртта ҳужжат муомаладан чиқарилган. Хўш, қолган битта - 174 рақамли «ишон қоғози»чи? Янги тайёрловчига эндигина пайдо бўлган ишонч яна шубҳага айланди. Бешта эмас, тўртта ҳужжат ҳисобдан туширилганлигини биринчи бўлиб раиснинг ўзи пайқади. Тайёрловчи зудлик билан Хоразмга чақирилди. Бу ерда ундан ўша 174 сонли «ишонч қоғози» учун ҳисобот талаб этилди. Шаҳобиддин эса талмовсираб, «уни йўқотиб қўйдим» дея жавоб берди. Раис бундай мужмал жавобдан қониқмади. Талабни янада қатъий қўйди. Тайёрловчи эса раиснинг сўровларига ер чизиб изоҳ берар, ваъда ва баҳоналарни рўкач қилишдан нари ўтолмасди. Ходимнинг бу қабилдаги талмовсирашлари энди раиснинг ўзини ҳам саросимага солиб қўйди. Жумбоқнинг тагига етиш учун ҳаялламай тегишли ҳуқуқ-тартибот идораларига бош уриб борди. Дастлаб Хоразм вилоят прокуратурасига савдо шерикларидан ундирилмай қолган 9 миллион сўмга яқин пулни корхона ғазнасига туширишда ёрдам беришни сўраб, мурожаат қилди. Шу орада машъум 174-сонли «йўқолган» ғаройиб саргузаштли «ишонч қоғози» Тошкентдаги «Люция плюс» фирмаси устидан ногоҳ қўзғатилган жиноий иш туфайли юзага қалқиб чиқади. Тайёрловчининг ҳуши шундан сўнгтина жойига келади. Тавба-тазарруга ўтади (унинг бу иқрорлиги магнитафон тасмасидаги ёзувда ҳам мавжуд), гўштни сотишдан тушган пулни қасддан яширганлигини, энди уни тезгина ўрнига қўйишга жазм этганлигини айтиб, раисга қуюқ ваъдалар беради. Йўлдошевнинг ўша машъум 174-сонли «ишонч қоғози» орқали «Тошкентгўштсутсавдо»дан 2 миллион 271 минг сўмга 8620 кило гўшт олиб, уни номаълум шахсларга сотиб юборгани шу аснода ошкор бўлади.

Прокуратура ҳам анойи эмас. Ҳаялламай бу иш юзасидан ҳам жиноий иш қўзғайди. Аврашлари иш бермаган Шаҳобиддин эса раиснинг қилиғидан жиғи-бийрони чиқиб, очиқ таҳдид, иғво ва бўҳтонга ўтади. «Ўша 2 миллион 271 минг сўм пулни раис билан бирга баҳам кўрдим» дейишдан ҳам асти тап тортмайди. Оқсоқ корхонани оёққа қалқитиш умидида астойдил жон куйдирган раиснинг гарданига шубҳа-гумонларнинг оғир юки ортилиши ва пировардида қип-қизил «жиноятчи»га айлантирилиши учун шунинг ўзи кифоя қилди. Терговни олиб борган терговчи, пировардида эса судья масалага бир томонлама; қоралов мақсадларини кўзлаган ҳолда ёндашишгани ҳақида аниқ хулосага етакловчи талай далиллар, ҳужжатлар тўпланганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Жиноий ишни «аёвсиз фош этиш» ниятида гарчи ўзи майдонга отилиб чиқса-ю, пировардида ашаддий «жиноятчи»га дўндирилса, кишига бундан ортиқ хўрлик, бундан зиёда аччиқ қисмат бўлмаскан.

Чиндан ҳам Қадамбойнинг жамоани оёққа турғазиш борасидаги саъй-ҳаракатларини на терговчи, на ҳакам илғай олди.

Юқорида тавсиф этилган воқеалар Қ.Қурбоновни бир қарашда чиндан ҳам катта айбдорга дўндириши турган гап. Аслида ҳам шундаймикин?

«Урганч-гўшт» ҳиссадорлик жамияти фойдасига 5 миллион 605 минг 815 сўм Қ.Қурбонов ва Ш.Йўлдошевлардан ундирилсин». Бу судланувчилар гарданига Жиноят Кодекснинг 167-моддаси 4-қисми «а» ва «в» бандларига асосан юклатилган мажбурият. Масаланинг туб илдизи (ҳужжатлар, далиллар, гувоҳларнинг кўрсатмалари)га разм солинса, бунча миқдордаги пулнинг 3 миллион 144 минг 229 сўми ҳеч ким томонидан ўзлаштирилмагани, талон-тарож этилмагани кундай равшан бўлади. Бу пул жойида турибди. Уни муддати ўтган дебитор қарз сифатида ундириб олишнинг ўзи кифоя. Қолган 2 миллион 461 минг 586 сўм пулни ўзлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатларни эса Қ.Қурбонов содир этмаган. Буни мазкур ишга дахлдор иккала асосий гувоҳ (пулни Қ.Қурбонов ўзлаштирганлиги бўйича дастлабки судда гувоҳларнинг кўрсатмасидан бўлак бирорта ҳам ҳужжат ёки далил келтирилмади) ҳам такрорий суд жараёнида тан олиб тасдиқлашди. Лекин негадир ишни қараб чиққан судья бор-йўғи дебиторлик қарзи ва бошқа бировлар томонидан ўзлаштириб юборилган юқоридаги пулнинг Қурбонов томонидан талон-тарож этилган деб топгани ғоят ажабланарли ҳол бўлди.

Жиноят Кодексининг 177-моддаси 3-қисми «а» ва «б» бандлари бўйича Қурбоновга тақалган айб эса унисидан ҳам ажабланарли. Гап шундаки, табиатан ҳаракатчан ва изланувчан Қ.Қурбонов 1997 йили раҳбарликка сайлангач, таваккалчасига иш тутади. Юқорида келтирилганидек, ўзининг 40 минг АҚШ доллари миқдоридаги шахсий пулини жарлик ёқасига бориб қолган корхона ва жамоа манфаати йўлида харжлайди ва бу йирик ишхонанинг бир қадар оёққа туриб олишини таъминлайди. Суд эса бу ҳолатни хоҳ иноннинг, хоҳ инонманг, юқоридаги моддага мувофиқ малакалайди ва аслида гаровга қўйилган пулни тап тортмай, Жиноят Кодекси шарҳларини «назарга илмай» валюта олди-сотдисига чиқаради. Мазкур шарҳда эса қуйидаги кўрсатма мавжуд: **«Валюта қимматликлари билан боғлиқ барча ҳаракатлар, яъни мерос қилиб қолдириш, совға қилиш, шунингдек, сақлаш, гаровга, қарзга бериш ёки қарздан қутулиш учун тўлаш ЎзР ЖКнинг 177-моддасида кўзда тутилган жиноят таркибини вужудга келтирмайди»**. Давлатимизнинг мўътабар ҳужжатида қайд этилган бу қоидага шак келтириш, ўз хатти-ҳаракатларини унга суянган, асосланган ҳолда оқлашга ёки изоҳлашга уриниш терговчи ва судья жанобларига нега зарур бўлиб қолдийкин?

Айбланувчига Кодексининг юқоридаги иккала моддаси нечоғли зўрма-зўраки қўйилган бўлса, унинг 209-моддаси 2-қисми «а» ва «б» бандлари ҳам шу чоғли асоссиз ҳолда қўлланилган. Судья Мирзараҳимов раислигида ўтган суд мажлиси ҳукми матнида шундай жумла бор:

«Қ.Қурбонов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 20.12.97 йил 00391-сонли «Дневной заборный лист»да 10753 кг. 2.817.288 сўмлик гўшт маҳсулотларини «Вальник» фирмасига Рўзматов Б. томонидан берилмаган бўлса-да, юқори турувчи ташкилотта Рўзматов Б. томонидан берилган деб ҳисобот бериб, ҳиссадорлик жамиятига жиддий зиён етказган, яъни такроран, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотлар киритган». (209-модда Қурбоновга нисбатан ана шу ягона ҳолат бўйича тадбиқ этилган). Ҳукм матнида таъкидланганидек, ҳужжат 1997 йилнинг 20 декабр куни расмийлаштирилган. Аммо биласизми, Қ.Қурбонов 20 декабр куни ва ундан кейин ҳам корхонага бирон марта бормаган, бирон дақиқа ишламаган, бундан аёнки, шу куни бирон-бир ҳужжатга имзо ҳам чекмаган. Боиси у 4 декабридаёқ ишдан бўшатилган (корхонани оёққа турғазиш учун мадад илинжида «Ўзгўштсутсаноат» концерни ва вилоят ҳокимлигига неча-неча марталаб қилган мурожаатлари оқибатсиз қолдирилавергач, норозилигининг ифодаси сифатида лавозимидан бўшатишларини сўраб, бир неча бор ариза берган, бироқ бу аризаларнинг биронтаси инобатга олинмаган, лекин негадир «отлар кечувга етганда» ишда дастлабки ижобий натижалар кўзга чалина бошлаган ва жамоага маош тўлаш йўлга қўйилган бир паллада инобатга олингани кишига шубҳали туюлади).

Бу масаланинг бир томони, иккинчи томони.

Ҳимоячи Ш.Жумаевнинг суд мажлисидаги нутқидан парча:

«...Қурбоновнинг гарданидаги 209-моддага келганда, иш ҳолати бўйича унинг асоссизлиги тўғрисида гапириб ўтирмасдан, фақат бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Қурбонов 1997 йил 4 декабр куни эгаллаб турган мансабидан озод этилган ва шундан кейин бир кун ҳам ишламаган. Демак, Қурбонов томонидан 20 декабр 1997 йил куни имзоланган «Дневной заборный лист» ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга эмас. Чунки Қурбонов ўша пайтда ишдан бўшаганига 16 кун бўлгани ҳолда уни ЖКнинг 209-моддаси билан айблаш учун асос йўқ, деб ҳисоблайман... 209-моддининг диспозициясида бу жиноятнинг содир этилиши оқибатида албатта, давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилиши кўзда тутилган.

Биз муҳокама қилаётган ҳолатда (бошқа биронта ҳолатда ҳам Қурбоновни 209-моддага асосан айблашга илож топишолмаган — А.С.) ***қандай жиддий зарар етказилибди? Айблов хулосасини бошидан-охиригача варақласангиз ҳам, мансаб сохтакорлиги*** (209-мод- да айнан шундай хатти-ҳаракат учун қўлланилади - А.С.)***га тўғри келадиган ҳаракатни ҳам, унинг оқибатидаги жиддий зарарни ҳам топиб бўлмайди.»*** Ана холос. Балким бошқа бирон бир холис ҳакам ёки ҳуқуқ илмидан бохабар ходим «Жиноят иши»ни варақлаб кўрар. Ва ҳукмда ёзилгани каби «етказилган жиддий» зарарга рўпара келар. Йўқ. Рўпара келмайди. Чунки таъкидланган «жиддий зиён»нинг ўзи йўқ.

Ва ниҳоят, шўрпешона собиқ раиснинг вужуди-ю, руҳиятини майиб-мажруҳ этган 210-модданинг 3-қисми «б», «в» бандлари («а» банди енгил ҳисобланиб, жаноб судья томонидан чиқариб ташланди) хусусида: **«Ҳукм матнидан парча:** ***«...Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўралган...»*** (Гувоҳнинг қонуний дахлсизлигини инобатга олиб, унинг исми-шарифини сир сақлашни лозим ҳисобладик - А.С.) ***ўз кўрсатмасида ...Тошкент шаҳрида яшовчи қизини кўриб келиш мақсадида Тошкентга бориш учун Қ.Қурбоновдан жавоб сўраган. Қ.Қурбонов Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи «Урганч-гўшт» ҳиссадорлик жамияти экспедитори Ш.М.Юлдашевга қайтишидан олдин учрашишлигини айтган. У қизиникига келган вақтида Ш.Юлдашевнинг ўзи телефон қилганлигини ва Урганч шаҳрига қайтадиган кунини билиб, аэропортга чиққанлигини, туфли солинадиган коробкада пул бериб, Қ.Қурбоновга беришлиги лозимлигини айтганлиги-ю, Урганч шаҳрига қайтиб пулни Қ.Қурбонов топширганлигини, иккинчи маротаба Ш.Юлдашев унга пул берган вақтида 230.000 сўм деб айтганлигини, бу пулларни ҳам Қ.Қурбоновга олиб бориб берганлигини, лекин бу пуллар нима учун мўлжалланганлигини билмаслигини кўрсатди».***

Ҳукм матнида пора билан боғлиқ яна бир нечта ҳолат ҳам мавжуд. Аммо улар орасида энг ишончлиси (башарти у ишонарли ҳисобланса) юқоридаги чўпчак. Унинг чиндан ҳам порами, ёинки туҳмат, иғво ёки ҳақиқат эканлигини тасдиқловчи бирон-бир ишончли манба, далил ва ҳужжатни ахтариб топишингиз амри маҳол. Энди «пора»ни Йўлдошевдан олиб, Қурбоновга «элитган» кишининг шахси ва хатти-ҳаракатлари хусусида журналистик суриштирувимиз давомида у киши Қурбонов 1997 йили раисликка сайлангач, орадан сал фурсат ўтмаёқ, ишдаги айрим шубҳали қадамлари учун корхона цехи бошлиғи лавозимидан четлатилгани аён бўлди. Бу эса у киши билан ҳиссадорлик жамияти раиси ўртасидаги низога сабаб бўлган, орага жиддий совуқчилик тушган. Келишмовчилик ишга путур етказишни англаган янги раис тез орада қарорини ўзгартириб, уни қайтадан лавозимига тиклаган, лекин хатти-ҳаракатлари устидан назорат ўрнатган. Ҳа, шундай, Йўлдошевнинг «пора»сини Қурбоновга етказган зот - шу киши. Энди ўйлаб кўринг, каллада дўпписи бор одам, ашаддий рақибидан «пора» оладими; бунга журъат этадими? «Пора»ни Хоразмга етказиш «тарихи»ни эса аниқ фактларнинг ўзи рад этди. Чунончи, «порани элтувчи» фалон куни, фалон соатда Тошкентдан Урганчга самолётда учиб келганмиш. Тайёрагоҳ маъмуриятидан олинган маълумотномада қайд этилишича, айнан шу сана ва шу соатда на ўша «олийжаноб» холис зот, на самолёт Урганчга учмаган. У киши Тошкентдан Урганчга ҳатто шундан олдин ҳам, кейин ҳам учиб бормаган. Айни учиб бордим, дея кўрсатган санада эса Қурбонов Урганчдамас, Тошкентда хизмат сафарида бўлган ва буни Йўлдошев ҳам билган. Қизиқ, Йўлдошев «пора»ни раисга шу ерда бераверса бўлмасмиди? Суд - тергов ҳужжатларида бошқа бир ўта номантиқий ҳолатга ҳам дуч келасиз. «Порани элтувчи» пулни Қурбоновга 1997 йилнинг октябр-ноябр ойларида элтганман, дейди. Тергов ҳужжатида қайд этилишича, мазкур «пора» «Вальник» фирмасининг номаълум (тергов пора берувчининг шахсини аниқламаган) вакилидан декабр ойида олинган. Ажабо, фирманинг номаълум вакилидан декабрда олинган пора октябр ёки ноябр ойида Қурбоновга қандай етказиб берила қолдийкин? Бундан ҳам кулгилиси: «Пора» берилган пайтда Қурбонов аллақачон ишдан бўшаган. Пора бирон-бир манфаатни кўзлаган ҳолда берилади. Одамлар манфаат кўрилмас ишларга пул харжлашмайди. Ишдан бўшаган Қурбоновдан эса ҳеч кимга манфаат етмаслиги беш бармоқдай аён. Хўш, бу вазиятда ишсиз, лавозимсиз, ваколатсиз Қурбоновга ким пора бериши мумкин? Бизнингча, телбаларгагина хос иш. «Пора» билан боғлиқ бошқа ҳолатлардан ҳам мантиқ изламай қўя қолинг. Чунки у йўқ. Эмишки, ҳеч ким кўрмаган, қўлига ушламаган «пора»ни «Урганч-гўшт»нинг харидорлари беришганмиш. Шу ўринда савол туғилади: модомики, иш «пора» билан битар экан, бу ҳолда уни ким-кимга бермоғи даркор? «Урганч-гўшт»нинг мижозларига гўшт унчалик зарур эмас. «Урганч-гўшт»га эса харидор сув билан ҳаводек зарур. Чунки биринчидан, корхона «Ўзгўштсутсаноат» концерни томонидан ажратилган гўштни олмоғи шарт ва зарур. Олинган маҳсулот эса ҳаялламай сотилмоғи керак. Акс ҳолда бузилиб қолади. Бундай вазиятда харидор гўштни изламайди, сотувчи харидорни излайди. Қурбонов ҳам шундай йўл тутди: пойтахтдаги дўст-биродарларини ишга солиб, ўз маҳсулотига тинимсиз харидор излади. Бундан чиқадиган хулоса битта: юқоридаги вазиятда харидор сотувчига пора бермайди. Тергов ва суд бу ҳолатда Қурбоновни ўз харидорларидан пора олишда айблаганига иконса бўладими?

Жиноят Кодексининг Қурбоновга нисбатан қўлланилган барча моддаларида у «уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган» жиноятларга тааллуқли бандлари билан айбланган.

Судда айтилган гаплар, гувоҳларнинг кўрсатмаларига қараганда, Қ.Қурбонов савдо шериклари билан тузиладиган шартномаларни доимо бир томонлама имзолаб, ўз ходимлари: Б.Рўзиматов ва Ш.Йўлдошев орқали бўлғуси харидорларини излаб топиш ва уни иккинчи томоннинг ҳукмига ҳавола этиш мақсадида Тошкентга юбориб турган. Шартномаларни узил-кесил улар расмийлаштиришган. Савдо шериклари билан барча муомалалар, олди-сотдиларни ҳам бевосита улар амалга оширишган. (Мамлакат Фуқаролик Кодексининг 367-370-моддалари бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўяди). Бу «шерик»ларга Қурбонов судда ва терговдагина рўпара келган. Бир-бировни танимаслиги шундагина равшанлашган. Бу ерда уюшган гуруҳ йўқ, деёлмаймиз. У мавжуд бўлган. Бироқ иккинчи айбланувчи Ш.Йўлдошев ва гувоҳ Б.Рўзиматов (негадир у судда гарчи қатор ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйса-да, жавобгарликдан холи қолдирилган)ларнинг судда тан олиб айтганларидан хулоса чиқарилса, жиноий гуруҳ ўша икки кишидан, балким бошқа харидорлардан иборат бўлган.

Сирасини айтганда, Қурбоновни ҳам мутлақо беайб дея олмаймиз. Ўта ишонувчанлиги, раҳбарлик лавозимига лаёқатсизлиги — унинг бош айби.

Ҳимоячи Ш.Жумаевнинг суддаги нутқидан:

«Қурбоновнинг ҳаракатлари, шунингдек, баъзи бир ҳаракатсизлигига синчиклаб баҳо берадиган бўлсак, унинг айрим ҳолатларда бепарволиги, Йўлдошевга ўта ишонганлиги, Рўзиматов, Эшонов («Урганч-гўшт»нинг собиқ бош ҳисобчиси - А.С.)***нинг фаолиятини тегишли назорат қилмаганлигида кўринади ва унинг бу ҳаракатлари ЎзР ЖКнинг 207-моддаси 1-қисми билан малакаланганлиги ёки умуман кам аҳамиятли, деб топилиши ҳам мумкин»***.

Суд ҳукми матнини кўздан кечирган киши ажабланарли ҳол: Қурбонов «ўта оғир жиноятларни содир этган», «ўзганининг жуда кўп миқдордаги мулкини талон-тарож этган», «тил бириктирган» жумлаларига дуч келади. Сўз — отилган ўқ. У далили ва исботи билангина кучли, қудратли. Мазкур матнда эса у сўз оддий сўздангина иборат. «Жиноятчи»нинг устига юқоридаги каби иборалардан иборат айблар қўйилади-ю, унинг исботи учун ақалли бирон-бир ишончли далил, исбот, мантиқий фикр-мулоҳаза баён этилмайди. Афсус, суд ҳимоячининг далил, исбот, факт ва рақамлар тўла фикр-хулосаларини ҳисобга олмади. Мазкур суд жараёнидан сабоқ шуки, прокуратура, тергов ва суд маҳкамаси бир-биридан амалда мустақил равишда фаолият кўрсатмоғи даркор.

Нафсиламбрини айтганда, ҳозир бундай мазмундаги сўзларни айтиш мавриди. Ишончимиз комилки, мамлакатимизда бошланаётган суд-қонунчилик тизими ислоҳоти ечимини кутаётган бу каби саволлар, жумбоқлар, масала ва муаммоларни узил-кесил ҳал этади. Демократиянинг юксак намунаси - бутун борлиғи билан намоён бўлаётган суд-қонунчилик тизими ислоҳоти асосида тартиб бўладиган янгича, замонавий иш услублари бунинг кафолатига айланади. Дарвоқе, Қурбоновлар оиласи ўз бошига тушган кулфатлар, ғам-андуҳлар учун кимларнидир айбламоқчи эмас. Аммо ҳақиқат ва адолатнинг юзага чиқишини ҳамон интиқ бўлиб кутаяпти.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ДАВОТАЛАБ ДАРД

Газета аралашгач...

«Оиламиз аъзолари 1999 йилда ширкат хўжалиги бошқаруви билан шартнома тузиб, ўн йил муддатга уч гектар боғни ижарага олган эди. Молҳолларимизни сотиб, ширкат хўжалиги кассасига аввалдан ҳосилнинг бир қисм пулини тўлагандик. Шартномада кўрсатилганидек, ҳосилни кимга сотиш ихтиёримизда эди.

Ўтган йилнинг 20 сентябрида Тошкент шаҳридан харидор келди. Улар «ГАЗ-24» русумли енгил автомашинасини бизга қолдириб, беш тонна олти юз килограмм беҳини пойтахт бозорларида сотишларини айтиб олиб кетишди. Харидор Зафар Тўрақулов уч-тўрт кунда қайтиб келиб, беҳиларнинг пулини беришини, унгача автомашинасини гаровга ушлаб туришимизни тайинлаганди. Улар қайтиб келавермагач, ҳужжатларни ўқиб кўрсак, машина бошқа киши Мадумаров Ҳасан Абдуллаевичга тегишли бўлиб, Тўрақулов Зафар Норбўтаевичга Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани давлат нотариал идораси нотариуси томонидан тасдиқланган сотиш ҳуқуқисиз уч йил муддатга ваколатнома орқали бошқариш ҳуқуқи берилган экан.

Орадан вақт ўтиб, машинанинг ҳақиқий эгаси - Ҳ.Мадумаров ҳовлимизга келди. Машинасини олиб кетажагини айтди. Биз беҳининг пули келмагунча машинани уйимизда гаровга ушлаб туришимизни билдирдик. Ярим йилдан ошдики, Ҳ.Мадумаров машинани, биз эса беҳи пулини талаб қилиб, низолашаяпмиз. Ҳ.Мадумаров ҳам, биз ҳам ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилиб, ҳокимлик, ички ишлар идораларига қатнаяпмиз. Зафар Тўрақуловдан эса ҳамон дарак йўқ. Тан оламиз. Бизнинг хатоимиз ҳуқуқий билимимиз етишмаслиги, машина ҳужжатларини ҳосилни насияга бериб юбормасдан олдин ўрганиб кўрмаганимиз, нотариал идораси орқали олди-берди ҳужжатларини пухта қилмаганимизда. Буни кеч англаб етдик. Ёрдам беринг. Машинани эгасига бериб юбориб, бола-чақамиз билан қилган бир йиллик меҳнатимизга қуйиб қолмайлик».

Юқорида Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани Тош Кенжаев номли ширкат хўжалиги, Ярман қишлоғида яшовчи ўн фарзанднинг онаси Ойзода Нарзиеванинг таҳририятимизга ташвишланиб, кўмак сўраб йўллаган хатини қисқартириб келтирдик.

«Инсон ва қонун» аралашгач, Пахтачи тумани прокуратураси ва Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари иштирокида низо барҳам топди. О.Нарзиева оиласи З.Тўрақуловдан боғ маҳсулотлари пулини, Ҳ.Мадумаров эса автомашинасини қайтариб олди.

З.Тўрақуловнинг «антиқа тадбиркорлиги» тўғрисида ҳеч нарса демаймиз. Бироқ савол туғилади. Ишониб ваколатнома билан машинасини бериб қўйган дўстининг «терисига сомон тиқиш», серфарзанд бир оилани зор қақшатиб, моддий-маънавий зарар етказиш, овора-ю, сарсон қилишдан не маъни бор? Бизнесменлар тили билан айтганда, балки банкротлик, эҳтимол фирибгарлик... Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармасининг синчков, қилни қирқ ёрадиган терговчилари касалликка «ташҳис» қўйишар...

Ўз мухбиримиз.

ТАНИШУВ

«Ҳаёт ва қонун» юридик журнали ҳамда «Инсон ва қонун» ҳуқуқ газетаси Бирлашган таҳририяти жамоасининг янги аъзоси — Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича мухбири Ражаббой Раупов иш бошлади. 1955 йилда Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультети ҳамда Москва олий адабиёт курсини тугатган. Матбуотда кўп йиллик тажрибага эга. Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг аъзоси.

«Она сўз», «Нур дарвозаси», «Остона», «Осмоннинг эгаси» каби қиссалари, академик Ҳабиб Абдуллаев, йирик алломалар Ойбек, Иброҳим Мўминов ҳаёти, фаолиятига бағишланган «Устун» романи муаллифи. Ўтган сонларда унинг «Тўсиқ» деб номланган, тадбиркор-фермерларни ҳуқуқий ҳимоялашга бағишланган долзарб мавзудаги ҳамда устоз ёзувчи Саид Аҳмаднинг 80 ёшга тўлганлиги муносабати билан «Эътироф» сарлавҳаси остида босилган мақолалари билан танишсиз.

Таҳририятимиз Бухоро ва Навоий вилояти жамоатчилигидан, ижодкорларидан, ҳуқуқшунослари, журналхон ва газетхонларнинг мухбиримиз билан ҳамжиҳатликда ҳамкорлик қилишига ишонч билдиради.

Мухбиримизни Бухоро ва Навоий вилоят адлия бошқармаларида учратиш мумкин.

Таҳририят

Муаммолар

ҚАРЗИНГИЗ ЙЎҚМИ?

ёхуд газга ҳақ ундиришнинг пешкуча усули: «ярми менга-ярми сенга»

Бировга дабдурустдан: - «Қарзингиз йўқми?» - дея мурожаат этиш қийин. Аммо савол берувчи: «Биз газ идорасиданмиз, қани, тўлов дафтарчангизни кўрсатинг-чи, бир ҳисоб-китоб қилайлик!» - деса борми, менимча, ҳар қандай оила бошлиғи ҳам агар у ўзидан катта бўлса «акажон», кичик бўлса «укажон»лаб муомала қилиши тайин. Чунки елкангизда тоғдек қарз турганда бировга тик қараш осонми?..

Қонун тили билан айтганда, жиноий, халқ тили билан айтганда ҳижолатли воқеа қандай, нима учун содир этилди? Йилдан йилга ўтиб келаётган ўзганинг мулкини ўзлаштириш, мансаб сохтакорлиги яна қанча муддат давом этиши мумкин эди? Йиллар давомида ҳиди чиқмаган сир — уйдаги гап нечун кўчага чиқиб кетди?

Даврон Шарипов, Одил Амонов, Ҳаким Юсупов, Эркин Хуроев — «Пешкугаз» идорасида бири иқтисодчи, бири чилангар, яна бири назоратчи чилангар ва бошқа вазифаларда ишлаб келаётган ушбу ҳамюртларнинг номи яқинда «хат»га тушди, қилмишлари бутун туманга ошкор бўлди. Воқеа тафсилотини прокурорнинг баённомаси асосида ким-кимдан пул олди, ўз фойдасига ўзлаштирди, мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг қайси моддасига тўғри келишини осонгина кўчириб ёзиш ҳам мумкин. Аммо бундан не фойда? Бу нари борса, навбатдаги жиноятни санашдан иборат бўлиб қолади. Майли, дастлаб ушбу ҳолатнинг очилиши ҳақида туман прокурори И.Ёрмуҳаммедовнинг изоҳи билан танишайлик:

- Аҳолидан терилган нақд пулларнинг хазинага кирим қилиниши ва банкка топширилишида қонун талабларига риоя этилиши қисман чегириб текширилганда, газлаштириш идораси ходимлари аҳолидан терган нақд пуллар идора хазинасига кирим қилинмай, ўз эҳтиёжларига ишлатилиб келинаётганлиги аниқланди. Жумладан, Қўрғонтепа қишлоғида яшовчи фуқаро Тўраев Баҳриддиндан чилангар Даврон Шарипов 9300 сўм олиб, газлаштириш идораси хазинасига кирим қилмаган. Ҳолбуки, фуқаронинг газ тўлов дафтарчасида тўланганлик тўғрисида ёзув қайд қилиниб, имзо ва муҳр билан тасдиқланган. Суриштирув жараёнида чилангар Даврон Шарипов фуқаро Б.Тўраевдан олган 9300 сўмни ўзлаштирган бўлиб чиқди.

Кейинчалик газлаштириш идораси бошлиғи Аҳрор Ражабов ҳолатга қуйидагича муносабат билдирди:

- У (Даврон Шарипов) Баҳриддин Тўраевдан газдан фойдалангани учун жами 9300 сўм ҳисоблаб, шундан 5 минг сўм нақд пул олиб, қолган 4300 сўм эвазига ўзининг шахсий моли учун емиш олган...

Ҳотамтойликни қаранг! Хайриятки, чилангар «Етса молинг, етмаса жонинг билан тўлайсан», деб оёқ тираб олмабди. Бир тележка беда ёки макка нима бўлибди, пулга чақиб олса олибди-да! Аслида бу ҳам бир мурувват...

Навбатдаги ўзлаштириш воқеалари қуйидагича: газлаштириш идорасининг назоратчи чилангари Одил Амонов Афшона қишлоғида яшовчи Неъмат Ҳамидовдан 3000 сўм олиб, газ тўлов дафтарчасига имзо қўйиб, пулни хазинага кирим қилмай, ўзлаштиради. Фуқаро Атоев Ҳикматдан ҳам 9800 сўм худди шу тариқа олиниб, Ҳаким Юсупов томонидан ўзлаштирилади.

Бундан ташқари мазкур идора иқтисодчиси Эркин Худоев Навбаҳор қишлоғилик Искандар Ҳусеновдан 4284 сўм олиб, ҳидини чиқармасликка ҳаракат қилади. Э.Худоев ўзининг жиноий фаолиятини давом эттириб, Сафарова Жумагулдан ҳам 1500 сўм ундиради. Хуллас, газга ҳақ ундириш олди-бердиси шу тахлит давом этади.

Агар биров-бировга сал ўринсиз овозини баландлатса «Отангдан қарздормидимки, менга бунча бақирасан?!» деб норозилигини билдиради. «Пешкугаз» ходимларининг пул ундириш «санъат»ларини эшитиб, тўғриси, уларга нима дейишингни ҳам билмайсан киши. Йўқса, бир туманда яшаб, тўй-маъракаларда бирга бўлиб, умуман, ҳамюрт деган фахрли аҳиллик, бирликни баҳам кўриб келган бу шахслар, наҳотки, инсофнинг чегарасини шу тахлит қўпол - юзтубан паст кетиб бузишса?

- Уйингда пулга чақадиган ниманг бор, олиб чиқ, ҳисоблаймиз, - деб давлатнинг газини ўз чўнтагига оқизиб турса... Баённома билан танишгач, «Пешкугаз» раҳбарлари билан албатта, учрашиш шарт, деган хулосага келдим. Гарчи қоғозларда раҳбарнинг номи учрамаса-да, аммо идора бошлиғининг елкасида тоғдек юк аниқ масъулият, маънан жавобгарлик турарди.

Туман газлаштириш идорасининг истаган ходими аҳолидан нақд пул тераверса, ушбу пулнинг аниқ ҳисоб-китоби билан биров шуғулланмаса, бунинг устига ўзлаштириш бугун ёки кеча содир этилаётган бўлмаса? Бу ҳолни қандай тушуниш мумкин? Раҳбар бу воқеалардан мутлақо бехабар эди, дейиш мумкинми? Агар Аҳрор Ражабовни хотиржам, идора ишларини ўз холига ташлаб қўйган, деб хулоса чиқарадиган бўлсак, бундай раҳбарнинг боридан йўғи яхши, каби мулоҳазалар устунлик қилади.

Гумону хаёлларга аниқлик киритиш ниятида «Пешкугаз» раҳбари А.Ражабов билан учрашдим.

- Қўлингиздаги далиллар рост, - деб иқрор бўлди у. - Мен ходимларимга ишондим...

Чиндан ҳам бошлиқ бир масалада ҳақ: жамоадаги ходимларга ишонмай, уларнинг мададига таянмай ишлаш мумкин эмас. У идора муҳрини «Газни сотиш бўлими» бошлиғи Тўлқин Асроровга бериб қўйган. Аҳолига газ етказиш ва газ пулларини териб олишда ишчи-ходимларни буйруқ асосида ҳудудларга йўллагани ҳам рост. Аммо у бир нарсадан норози:

- Бошлиқ ҳамиша ҳам идорада ўтиролмайди. Бошқарма йиғилишларига, ҳокимликка боришга тўғри келади, яна ҳудудлар назорати, хуллас, иш етарли. Бундай пайтда мен бош муҳандис Исроил Каримовга ёки бўлим бошлиқларига қаердалигимни айтиб кетаман, идора қилиб турингилар, деб уларга ишонаман. Улар ишончни оқлаш ўрнига қонунсиз ишлар билан шуғулланиб, жавобгарликни сезмай ўз мансабларидан фойдаланишлари ачинарли, виждоним қийналади...

Мен Аҳрор Ражабовни юракдан гапирмади, деб айтолмайман. Назаримда у бироз кўнгилчан, гўё қаттиққўллик кўчасидан ўтмаганга ўхшайди. Яна ким билсин, раҳбар керагида муроса қилади, керагида ялинади, дўқлайди, хуллас, ишни юритади, деган гапга ишонадиган бўлсак, А.Ражабов ушбу таърифларга-да, мос келмайроқ турибди. Чунки у идорасида юз бераётган жиноий воқеаларни кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга олиб, муроса йўлини танлаганга ўхшайди.

Биз юқоридаги тагсарлавҳада «Ярми менга - ярми сенга» деган иборани ишлатдик. Аслида бу шунчаки гап - ибора эмас, бировга нисбатан даъвога ўхшайди, буни айтиш осонми?

Назаримда «Пешкугаз» жамоаси аллақачон иккига ажралиб қолган. Бугунга келиб тарафкашлик, манфаат очиқ-ойдин бош кўтарди - натижада сир ошкор бўлди: уйдаги гап кўчага чиқди. Бунчалигини бошлиқ Аҳрор Ражабовнинг «Инсон ва қонун»га ёзган хатидан билиш қийин эмас: «Назоратчилар аҳолидан пул териб келиб, дафтарчага ёзиб берадиган контролёр (назоратчи) билан келишиб, сохта ҳужжатлаштириш йўли билан пулни ўзлаштирар экан...» Шу жойда мулоҳазамизни айтиб, сўнг А.Ражабовнинг хатини кўчиришда давом этамиз. Бошлиқ томонидан, назоратчилар дафтарчага ёзиб (қайд этиб) берадиган контролёр билан келишиб, деган иқрор айтилаяпти. Ана шу «контролёр билан келишиш» - ярми менга - ярми сенга, деган даъвомизга яқин келадими ёки йўқми?

«Сохта ҳужжатлаштириш йўли билан пулни ўзлаштирар экан...». Хўш, бунга нима дейсиз?

Хатни кўчиришда давом этамиз: «Мен назоратчи контролёр бўлиб ишлаётган Ҳотамов Амируллони ишдан четлаштирдим. Лекин бош муҳандис Каримов Исроил шу болани ишга ол, деб бир неча марта мурожаат қилди. Мен уни ололмайман, чунки шу ишларни у содир қилди, судланди, деб тушунтирдим. Шундан кейин ишимиз яна прокуратурага тушиб қолди. Тушганда ҳам яна шу Ҳотамов Амирулло орқали».

Демак, А.Ҳотамов юқоридаги тўртта жиноий ҳолатдан илгарироқ жиноятга қўл урган шахс бўлиб чиқаяпти. Бунинг устига «Пешкугаз» ходимлари жиноий ҳаракатларининг очилишида шу шахс сабабчи, деб кўрсатилаяпти. Буни бошлиқ ёзма равишда тасдиқлайди: «Ҳотамов Амирулло орқали шу ишлар бажарилганлигига ишонч ҳосил қилдим...»

Ана энди мулоҳазаларимизни якунласак ҳам бўлар. Маълум бўлаяптики, илгари ҳам «Пешкугаз»да аҳолидан йиғилган пулни ўзлаштириш фактлари юз берган. Бу ҳақда А.Ражабовда мисол йўқ эмас, бор... А.Ражабов корхонада янги ходим эмас, у анча йиллардан бери газлаштириш идорасида хизмат қилади. Демак, у идоранинг анча-мунча паст-баландини билади. Бизни ўйлатгани ушбу воқеалардан яхшигина хабардор бўлатуриб, у ўзини гўё ҳеч нарса билмагандек, маъюсгина хижолат тортиши бўлди. Айни дамда «Пешкугаз»даги ходимлардан бирини (масалан, Амирулло Ҳотамовга ўхшаганларни) топиб, «Сени ишга тиклайман, эвазига менга далиллар керак», деса яна анча-мунча сирлар очилмаслигига ким кафолат беради?

Бизнинг ниятимиз «Пешкугаз»да соғлом муҳит яратилишига ҳисса қўшиш. Масъулиятни теран ҳис этадиган, давлат ва халқ мулкини асрай оладиган раҳбарларни топиш, тарбиялаш каби муаммоларни ечишда туман раҳбариятига ёрдамлашиш, яъни ҳақ гапни айтишдан иборат.

Ражаббой РАУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ФИРИБГАР ЧУВ ТУШИРДИ

Имонсизлик

Ҳурматли "Инсон ва қонун!"

Мен 1999 йилда Тиккаева Светлана Тўйчиевна деган, 1957 йилда туғилган аёл билан танишиб қолдим. У Тошкент шаҳри, ТТЗ-2, 65-уй, 11-хонадонда яшар экан. У менга дўконда ишлашини, ижарада турган квартирасида икки боласи ва невараси билан яшашини, хонадон эгаси квартирани сотаётгани боис, маълум муддатга қарз бериб туришимни илтимос қилди. Бу аёлга илгари ҳам бир икки марта оз миқдорда пул бериб, қайтариб олганлигим, эри таниш бўлганлиги туфайли ишондим, сўраган 2.500 АҚШ доллари миқдорда қарз бердим. У менга тилхат ёзиб берди.

Шу орада бошимга кулфат тушиб қолди. Ундан қарзни қайтаришни илтимос қилганимда, Тиккаева ёнида пули йўқлигини айтиб, унинг эвазига таниш ва юқори мартабали қариндошлари орқали менинг муаммоларимни ҳал қилиб бериш билан қайтаришни таклиф қилди. Менинг саросимага тушган ташвишли ҳолатимдан фойдаланиб, ҳар хил ҳийла-найранг ишлатиб, мендан яна пул сўради. Мен таниш-билишлардан ва қариндошлардан қарз олиб, тағин 3.500 АҚШ доллари топиб бердим. Шундай қилиб, С. Тиккаева 1999 йилнинг 6 июнидан то 16 декабргача умумий ҳисобда 6 минг (олти минг) АҚШ доллари миқдорида қарз олди. Кейин билсам, Тиккаева ўта маккор фирибгар экан. Мендан ташқари бошқа одамлардан ҳам шу тариқа пул олиб, бермасдан қочиб юрганлардан экан. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида бу аёлга нисбатан фирибгарлик учун жиноят иши қўзғатилганлигини эшитиб қолдим. Бундай фирибгарларга жазо-ю, алдаб олган пулларимни қайтариш чораси борми?

Малика ҚАҲРАМОНОВА,
Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, 3-Қорасув мавзеси, 9-уй, 30-хонадон

Хатга маккоранинг тилхати илова қилинган. Мана унинг асли.



Расписка.
Я, Тиккаева Светлана Тойчиевна брала в долг у Кахрамоновой Малики Турсунходжаевны деньги в долларах с 6 июня 99 г. по 16 декабря 99 г. сумму в размере шесть тысяч долларов США.
Обязуюсь отдать через 2 дня
"9" марта 2000 г.
Паспортные данные С.А. 135060 выдан ТТЗ-2 дом 65 кв. 11.
7/3-2000 г. (Тиккаева С.)
При свидетелях: 1) [illegible] 2) [illegible] Р.В. 3) [illegible]

ТАҲРИРИЯТДАН:

Буёғи қандоқ бўлди, Тиккаева хоним? Лабз, имон қани? Шундоқ ҳам ташвиш чекаётган бир одамни "тикка турғизиб терисини шилибсиз-ку" Ёки шаҳарлар бедарвоза, билганимча ўзгаларни шилиб, таралла-бедод яшайвераман, сўрайдиган, "пишт" дейдиган топилмайди, деб ўйладингизми? Йўқ, адашибсиз Тиккаева, сиздайлардан сўров ҳам бор, юртда мустаҳкам дарвоза ҳам, қонун ҳам, терговчи ҳам, прокурор ҳам, суд ҳам бор. Эҳ-ҳе, шундай сўров бўладики, сиз санаётган чучваранинг барчаси ҳом бўлиб чиқади. Ўйлаймизки, Мирзо Улуғбек туманидаги ҳуқуқ посбонлари бу масала билан жиддий шуғулланади, лозим бўлса, Шайхонтоҳур туманилаги иш билан бирга тергов қилинади, адолатнинг ўткир тиғи фирибгарга алланиб сарсон бўлиб юрганларнинг ташвиши барҳам топишига ёрдам беради.

Газетамиз кўп сонли ўқувчилари билан биргаликда тегишли идоралардан жавоб кутиб қолади.

Бу ажиб дунё

БАДАНГА ЁПИШТИРИЛГАН... ДОЛЛАР



Донецк аэропортида ўз шаҳри – Истамбулга учиб кетаётган Туркия фуқаросидан спорт костюмини ечишни сўраган божхоначилар ҳам... ҳайратдан ёқа ушлашди: у ялонғоч баданига 100 долларлик пулларни елимлаб, ёпиштириб олган экан. Долларни баданидан йиғиб олиш учун бир соатдан ортиқ вақт кетди, чунки доллар ёпиштирилмаган жойи йўқ эди.

Жами пул 158.000 доллар чиқди. Ҳаммаси муниципал ғазна ҳисобига мусодара этилди.

ОАВ материаллар асосида М. ЖАЛИЛОВА тайёрлади.

КУЁВНИНГ НОМИДАН ХАТ ЁЗГАН КЕЛИН

Турмуш чорраҳаларида

Инсон ҳаётида шундай мураккаб жараёнлар, кечинмалар бўладики, уни бировга айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмай қийналасан. Бундай ҳоллар айниқса, ёш келин-куёвлар, қайнона ва келин, қуда-андалар, баъзан эа ота-бола, ҳатто қайнота ва келин ўртасидаги ўзаро муносабат, муомалада ҳам содир бўлади.

Таҳририятга менинг номимга бир мактуб келган экан. Хат муаллифи ёшгина куёв бўлиб, у ўз ҳаётида юз бераётган тушунмовчиликлар оқибатида оғир аҳволга тушиб қолгани, айни пайтда ёрдамга жуда-жуда муҳтожлигини ёзган эди. Гапнинг сирасини айтганда, унинг «қўли гул» хотини кўкларга кўтарилиб мақталган, шундай ёр билан тинч-тотув яшашига ўз ота-онасининг шафқатсизларча кўрсатаётган қаршиликлари, хуллас, аччиқ изтироблар баён этилиб, журналист аёлдан кўмак сўралганди.

Кимгадир ёрдамим керак экан, дея йўлга тушдим. Кўрсатилган манзилга ҳориб-чарчаб етиб бордим. (Айрим сабабларга кўра манзил ва мақола қаҳрамонларининг исм-шарифларини аниқ кўрсатмаймиз). Қидира-қидира куёв болани ҳам топдим. Аммо у менинг ташрифимдан ҳангу манг бўлиб қолди. Қўлимдаги мактубни мутлақо ёзмаганлигини, аммо хатдаги воқеалар, ҳаёт манзаралари унга тегишли эканлигини айтди.

...Аниқлашлар шуни исботладики, аслида мактубни куёв эмас, унинг номидан келин ёзган экан. Буни келиннинг ўзи ҳам хижолат бўлмай, кўзимизга тик қараганича тан олди. Унга бировнинг номидан хат ёзиш қонунларимизга зид эканлигини, бунинг учун жавобгарлик борлигини айтганимиздан кейингина довдираб қолди. Аммо, барибир унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати, гап-сўзлари яхши келинларга хос бўлган иззату иффат, латофату ҳаёдан йироқлиги бизни ҳайратга солди. Унинг куёв номидан хат ёзиб ўзини таърифу достон айлаганини айтмайсизми...

Кўпчиликка сабоқ бўлади, деган умид билан ўша келин-куёв ҳаётида содир бўлган воқеаларни ҳукмингизга ҳавола этмоқчимиз.

...Умрзоқ аканинг хонадонида мўъжазгина тўй бўлиб ўтди. Биринчи фарзандини уйлантириб, орзулари ушалаётган отанинг кўнгли тоғдек ўсган, онанинг севинчлари оламча эди. Тўйдан сўнг Умрзоқ ака бир пиёла чой устида турмуш ўртоғига гап солди.

- Келинни ҳам тушириб олдик, энди бу чекка қишлоқдаги уй-жойимиз, мол-ҳолимизни ишониб топширсак бўладиган одамимиз бор. Кел, хотин посёлкадаги уйимизга кўчиб ўта қолайлик. Менинг ишга, болаларнинг мактабга қатнашимиз қулай бўлади. Ўғлимиз билан келинга онам бош бўлиб қоладилар.

Хотини кўнди. Улар Умрзоқ акага ишхонаси томонидан берилган жамоа хўжалиги марказидаги шинамгина уйга кўчиб ўтишди. Шундай қилиб, кунлар осойишта ўта бошлади. Болалар тезда янги уй, шароитга кўникиб кетишди. Орадан бир ойлар ўтгач, Умрзоқ ака онаси ва келин-куёвларнинг ҳолидан хабар олиш ниятида уч фарзандини эргаштириб, қишлоқдаги ҳовлисига кириб келди. Айни тушлик пайти бўлгани учун келин қайнатиб ўтирган шўрва ҳам тайёр экан.

Меҳмонлар кириб ўтиришгач, негадир келин ғойиб бўлди. Хижолат тортган ўғил ишлатиб юрилган учта косага шўрва сузиб келди. Қолганларга эса коса йўқ. Кейин ичкари хонада телевизор кўриб ўтирган хотинига бориб юзланди:

- Жавондаги косалардан олиб бер, меҳмонларга овқат сузаяпман.

- Шўрва ичадиган одам коса олиб келсин-да, сузиб ичаверсин, - деди келин пинагини бузмай.

Бу ўзаро суҳбатни эшитиб қолган Умрзоқ аканинг юрагига бир парча муз ёпишгандай бўлди. Олдига келтирилган шўрвани ичишни ҳам, ичмасликни ҳам билмай, ўйга толди. Бечора ўғли келиннинг ҳурматсизлигини сездирмаслик учун елиб-югуриб қаердандир коса топиб, укалари олдига овқат келтириб қўйди.

Болаларни эргаштириб уйига қайтар экан, қайнота бечоранинг кайфияти бузилиб, ўй-фикрлари чувалашди. «Ахир, не-не орзу-умидлар билан келин туширган эди-я...»

Куз келди. Пахта йиғим-терим айни авж паллада. Умрзоқ аканинг келини эл қатори қўшни туманга тенгдошлари билан пахта тергани ҳашарга жўнади. Буни эшитган қайнота барча гина-кудуратларни унутди-ю, келининг ҳолидан хабар олгани борди. Совға-саломлар билан унинг кўнглини олишга ҳаракат қилди. Аммо у ўйлагандай бўлмади. Келин мулойимлашиш ўрнига пахта йиғим-теримидан қайтди-ю, жанжал бошлади.

- Нима учун энди биз қишлоқдаги ҳувиллаган ҳовлида кампир билан молларга қараб, деҳқончилик қилиб ўтирарканмизу ота-онангиз, укаларингиз марказдаги уйда мазза қилиб яшашаркан? Мен бундай бўлишига йўл қўймайман, уйни алмаштирамиз! Тамом, вассалом!

Бу машмашаларни эшитган қайнота узоқ ўйланиб ўтирмади. «Нима бўлса бўлсин, боламнинг ҳаёти бузилмасин» деган хаёлда бола-чақа-ю, кўч-кўронини ортиб, қишлоқдаги ҳовлига жўнади. Нима деса айтгани бўлаётганидан хурсанд келин эса марказдаги уйга жойлашди.

Кунлар шу тариқа осойишта ўтаётган эди-ю, аммо Умрзоқ аканинг ўғлини соғингани, «Унинг ҳоли нима кечдийкин, ҳали ёш, рўзғор ташвишлари чарчатиб қўймадимикан?» деган хавотири сокинликни яна бузди. Ўша куни у бир хабар олиб келай, дея ўғлининг уйига йўл олди. Эшикни энди тақиллатмоқчи бўлиб турганида ичкаридан келининг жарангдор овози эшитилиб қолди:

- Менга янги чиққан соатдан олиб берасиз! Ҳамма тақиб юрибдими, демак, мен ҳам тақишим керак!

...Эшикни ўғли очди. Қайнотага кўзи тушган келин саломни ҳам насия қилиб нариги хонага ўтиб кетди. Хижолат бўлган қайнота нима қилишни билмай, шошганидан ўғлига шундай деди:

- Болам, сенга олиб берганим - костюм каттароқ эди. Берсанг олиб кетай, ўзингга лойиқ размерига алмаштириб бераман.

Ўғил ҳали жавоб беришга улгурмаёқ келин керилиб чиқиб келди:

- Ана, кўрдингизми, отангиз нима мақсадда келганлигини? Алдаб шу костюмни олиб кетмоқчи, бўлмаса бало борми унга бу ерда? Кимнинг кўзи учиб турганди?

Умрзоқ ака қўлтиғидан тарвузи тушиб, шалвираб қолди. Елкалари зилдай бўлиб, бошига лўқиллаган оғриқ кирди. Амаллаб кўчага чиқди. Сўнг боши айланиб, йиқилди. Қўлтиғидан ушлаб суяётган ўғлини жеркиётган келинни кўрди-ю, бўралаб сўкди. Сўнг нима бўлганини билмайди.

Кўзини очганида келини ва унинг онаси даъвогар бўлиб милицияга хабар қилган, икки милиция ходими аллақандай қоғозларни тўлдириш билан овора эди. Савол-жавоб бошланганда ҳар тугул ўғли бор гапни рўй-рост айта олди. Бу ҳолга чидай олмаган келин «ажрашамиз» дея онаси билан жўнаб қолди.

* * *

Бўлиб ўтган воқеа тафсилоти ана шулардан иборат. Энди эса келин ярашиш истагида куёвнинг номидан мактуб битибди. Умрзоқ ака «ўғлим уни деса, мендан воз кечади» деб турибди. Йигит икки ўт орасида қийналади. Унинг тақдири ечимини вақт, қолаверса, ёш келиннинг ақлу-идроки, виждони ҳал қилса керак. Яна ким билади дейсиз?

Салима ҚИЛИЧЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Файз-барака – аҳилликда

ГИЁҲЛАР ТИЛМОЧИ

ёки мироқилик табиб Абдусалом ТУРСУНОВ билан учрашув

Табобат

Инсон учун дунёда энг азиз, энг муқаддас ҳисобланадиган нарсалар кўп. Улар: она Ватан, ота юрт, ота-она, и[illegible]н, номус, инсонийлик ғурури, лабз, фарз каби юксак тушунчалардир. Худди шунингдек, дунёда бойликлар ҳам беҳад. Аммо улар орасида инсон ҳаётини мунаввар этувчи соғлиқ, саломатлик деган азиз, муқаддас ва тенгсиз бойлик борким, уни тариҳан ҳеч ким, ҳеч қачон рад этган эмас.

«Соғлом танда — соғ ақл», «Соғлиғимиз — бойлигимиз», «Саломатлик — туман бойлик» каби пурмаъно иборалар аллақачон шиорга айланиб кетган. «Дардни берган Тангрим давосини ҳам бергай», дейишади одамлар касаллик, соғлиқ хусусида гап кетганда...

- Бедаво дарднинг ўзи бўлмайди, дейди Шоҳрисабзнинг сўлим Мироқи қўрғонида яшовчи Абдусалом ака Турсунов. - Фақат инсон зотига берилган буюк инъом — ақл-заковат ишга солинса, бир дардга илгарироқ, бошқасига кейинроқ, барибир даво топилади. Албатта, бу ишда «атагани бордир» хилида иш тутиш ярамайди. Инсон изланиши, теварак-атрофга теран боқиши керак. Ахир, бу ҳам табиат маҳсули, фарзанди. Она табиат одам танасига, турли сабаблар боис дард, касаллик «солади». Шу билан бирга, барчасига даво ҳам ҳозирлаб қўяди. Лекин уларни ўз бағрида сақлаб, «қани, ақлингни ишга сол, давосини изла, топ» дегандай кутиб туради, аниқроғи, изланишга имкон қолдиради.

- Тўғри, - дейсиз беихтиёр. - Барчаси кўп жиҳатдан инсоннинг ўзига боғлиқ-да...

- Ҳар бир дардга дори-дармонни табиатнинг яратилиш ва тузилиш унсурларидан ахтариш керак, - сўзида давом этади Абдусалом ака. - Яъни сув, ҳаво, нур (олов) ва тупроқдан. Олдингилари таъсири остида сўнггисида ўсган ўт-ўлардан, гиёҳлардан қидириш керак. Улар бир тилсимот. Қолаверса, ўзоққа бориб ўтиришга ҳам ҳожат йўқ. Кимки қайсидир дардига давони узоқдан, ўзга иқлимли жойлардан, ўлкалардан қидирса, бу эртаққа айланади. Ваҳоланки, касалинг, дардингни қаерда орттирган бўлсанг, қайси муҳит ва иқлимда яшаган ва ўсган бўлсанг ўша ернинг гиёҳларида уларнинг давоси битилган. «Қир ошиш» шарт эмас. Аввало одам боласи ўз танасидаги аъзоларининг шаклини билиши керак. Табиат эса ўз қўйнида ана шу шаклда барг чиқарувчи ва мева берувчи гиёҳларни ўстиради. Масалан, ёнғоқ мағзи - мияга, лавия - буйракка, карам - ошқозонга, олма, нок, ўрик каби мевалар юракка, анор, қора узум ширасн - қонга ўхшаш бўлади. Бу ҳам бежизга эмас. Қолаверса, буюк Ибн Сино, Сукрот, Лукмони Ҳаким, Афлотун ва бошқаларнинг гиёҳлар билан тиллашувни тенгсиз мероси бор, бугунги давр алломаларидан Эркин Жўраев, Холматов, Набиев каби-ларнинг катта изланиш маҳсулларини чуқур ўрганиш керак. Тоғдирларда халқ табобатидан воқиф, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган маслаҳатлари мавжуд. Улар ўт-ўлан, гиёҳлар билан даволанишнинг ҳадисини олишган. Хуллас, дори-дармон ёнверимизда, теварак-атрофимизда, оёғимиз остида...

Абдусалом ака билан танишамиз: 1935 йилда туғилган. Аммо ота-онасини кўрмаган, меҳрига тўймаган. Ўғил 2-3 ёшга кирганида анча-мунча диний маълумоти бўлган, арабча ўқиш-ёзишни билган, айни пайтда гиёҳлар билан «сўзлаша» олган» ва халқ орасида иззат-икромли отани 37-йилларнинг қатаган машинаси «мажақлаб» кетган. Она ҳам кислоти шундай кечган... Болалар уйида, сўнг кишилар эшигида, аммо таъкидлаш жоизки, яхши одамлар тарбиясида ўсган. 1953 йилда ўрта мактабни тугатган, аввалига МТСда лаборант, сўнг мактабда ўқитувчи, қишлоқдаги мактаб-интернатда тарбиячиликдан иш бошлаган. 1954-59 йилларда Самарқанд Давлат Университетининг физика-математика факультетида ўқиган, ўрта мактаб ўқув ишлари бўйича мудир, мактаб-интернат директори, маълум ...ддат давлат бошқарув идораларида масъул лавозимларда ишлаган. Шоҳрисабз туман халқ назорати қўмитасига, сўнг бутун бошли жамоа хўжалигига раислик қилган. Мироқи қишлоқ кенгаши раислигидан 1996 йилда пенсияга чиққан. Ўнлаб давлат мукофотларига сазовор бўлган, Халқ маорифи аълочиси, 6 та фарзандни тарбиялаб вояга етказган, бир этак невара-чеваралари...

- Қизиқ эмасми, - дейсиз ўз-ўзидан. - Абдусалом ака мутахассислиги бўйича физик-математик, аммо 1979 йилда «ўқувчининг индивидуал тарбияси» мавзусида илмий иш қилиб, педагогика фанлари номзоди бўлган, фаолиятда эса раҳбарлик, қишлоқ хўжалиги, назорат ва кенгашларни юритган, бир вақтнинг ўзида бир умр гиёҳлар билан тиллашади, дори-дармон тайёрлайди, одамлар дардига малҳам топади. Қаёқдан олди бундай «универсал»ликни?

- Отамдан вужудим орқали, ғойибдан ўтган бўлса керак, - деб изоҳлайди отахон. - Мен ҳаётда отамни кўрмаганман, лекин гўдак пайтларимда тушимда кўрардим, дарҳол танирдим. Одамлардан «падарим шундай шахс эдиларми?» деб, қиёфа ва хусусаларини тасвирласам, уни билганлар «айни ўзи» дейишган. Тушимда отам мен билан кам гаплашарди. Ҳар гал дарҳол қўлимдан тутиб далага, ўт-ўланлар орасига етаклаб кетарди. Гиёҳларни менга таништирарди. Буниси фалон дардга, униси фалон касалга даво, деб ўргатарди. Сўнг... ғойиб бўларди. Отам руҳлари ҳанузгача 40 йиллардан буён тушимда маслаҳатчим, ҳамроҳим қаерда ишлаб, нақадар банд бўлмайин, гиёҳлар билан одамларни даволашни канда қилган эмасман. Тўғри, шўролар даврида бунга рухсат берилмасди. Пинҳона, аммо беғараз шуғулланардим. Мустақиллигимиздан сўнг бу ишларга кенг йўл очилди. Услубим ва таҳлилларим расмий муассасаларда ўрганилди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги комиссияси 1996 йилда лицензия берди. (Ҳужжатларни кўрсатади, улар бекаму кўст - муаллиф).

Абдусалом аканинг таржимаи ҳолини билганингиздан сўнг у кишининг инсон танаси, организми, мучалари, нолари, уларнинг жойланиши, шакли, кўриниши, фаолият тарзи ҳақидаги «маъруза»ларини эшитиб, ҳайрон қоласиз. Беихтиёр «бу одам тиббиёт институтини ҳам битирган кўринади» деган хаёлга борасиз. Ўт-ўланлар, мевалар, гиёҳларни номма-ном санаб, хислат ва даво жиҳатлари ҳақидаги суҳбатидан сўнг эса «бу одам биолог, гиёҳшунос олим бўлса керак» деган хулосага келасиз. Гиёҳ ва табиат инъомларидан қандай йўл билан қайси дардга дори ҳозирлаш услубини тинглаб «йўқ, бу киши фармацевт, доришунос» деган ҳукм чиқарасиз.

Абдусалом Турсунов бир йиғмажилдни узатади. Унда минглаб одамларнинг исми-шарифи, касаллиги ва даво сифатида тавсия этган гиёҳлари, шифо топиш натижаларигача номма-ном ёзилган. Улар орасида республикада таниқли олимлар, шоирлар, юристлар, оддий одамлардан тортиб, эл-юрт раҳбарларигача бор. Ҳатто катта табобат мутахассислари ҳам у кишидан шифо топишганлиги ёзилган. Қандли диабет, юрак, қон айланиш тизими, ошқозон, ўткир астма, бўғма, остеохондроз, жигар, буйрак, сийдик ва ўт йўллари, ичак, гормонлар, қон босими, аллергия, камқонлик, тери касалликлари, асаб, ревматизм ва ҳ.к.

Баъзи чизгилар: муаллифнинг Абдусалом Турсунов билан учрашуви тасодифан бўлди. Мироқи сиҳатгоҳига келган кунидан бошлаб, ҳар бир суҳбат мавзуси кимнингдир, қаеринидир безовта қилаётганига бориб тақаларди. Ҳар гал бирор ҳамсуҳбатингиз «Абдусалом акага учрашмадингизми?» деб лукма ташлаб қўярди. Табиий қизиқиш бизни дуч келтирди.

Мироқининг сўлим табиати, тоза ҳавоси, сиҳатгоҳнинг хушмуомала раҳбарлари ва ходимлари, яратилган шароитга қўшилиб, Абдусалом аканинг дори-дармонлари кўпчиликнинг юриш-туришида, ўзини ҳис қилишида ўзгариш ясаганини ҳис қилишди, жумладан, ушбу сатрлар муаллифида ҳам. Рангпар юзларда қизил шафақ акс этадиган бўлди. Уйга, меҳнат қаъригга қайтишда катта совға — Абдусалом ака тавсия этган ўт-ўланлар тахлами жойланган қоп кўтариб жўнадик. Бугунгача гиёҳлар тилмочини алқаб, уларни қайнатиб, ичиб ётибмиз.

- Буёғи қандоқ бўлади, Абдусалом ака, режалар, шогирдлар? - сўрадик хайрлашаётиб.

- Изланиш, изланиш, янги шифоларга йўл топиш, - деб қўя қолди отахон. Шогирдлар масаласида... улар анчагина. Каттароқ умидим қизим Фаёзадан. У шу кунларда Тошкент Давлат фармацевтика институтини битириш арафасида. Режамизнинг бош йўли — эл соғлиғига, инсонлар дардига шифо топиш учун хизмат қилиш.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,
«Инсон ва қонун»нинг
махсус мухбири

ҚАЙД:

Хайрлашув олдидан А.Турсуновдан хотира учун суратини сўрадик. У киши сиз кўриб турган суратни узатдилар. Бироз илгарироқ тушганликлари билиниб турарди. Аммо кўринишдаги фарқ унчалик катта эмас. «Сиртдан сал қаригандек кўринганим билан қалб ўша-ўша...» деб қулиб қўя қолдилар.

Тошкент-Шоҳрисабз-Мироқи
2000 йил июни

Тинг пайт...

ФАРЗАНДЛАР СОҒЛИГИ-БОЙЛИГИМИЗ

Тиш оғриғи дардини бошидан кечирмаган кишининг ўзи бўлмаса керак, дунёда. Айниқса, фарзандининг бу дарддан азоб чекаётганини гувоҳи бўлган ота-онанинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта. Бундай хасталикнинг олдини олиш, умуман, тишларимиз соғлом ва чиройли бўлиши учун нималарга эътибор қилмоқ зарур? Реклама қилинаётган тиш пасталаридан ва ҳар хил сақичлардан фойдаланишнинг ўзи етарлими?



Юнусобод туман 2-болалар поликлиникаси жарроҳи Маҳмуджон Абзалов билан суҳбатимиз болаларда учрайдиган юз-жағ ва тиш касалликларининг келиб чиқиши ва бу борада шифокорлар томонидан амалга оширилаётган тадбирлар хусусида бўлди.

- Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг барча жабҳаларда жуда катта ижобий ўзгаришлар юз бераётгани ҳаммамизга маълум. Мен 23 йиллик фаолиятим даврида шунга амин бўлдимки, кейинги пайтларда ҳар хил сабабларга кўра болалар ўртасида юз-жағ ва тишларда учрайдиган аномалия нуқсони анчагина кўпайди. Булар носоғлом турмуш тарзи, психологик стресслар, наркомания, ичкиликбозлик, кашандалик, оилавий можаролар ва айниқса, ўз саломатлигига бефарқлик оқибатида келиб чиқаяпти. Бу салбий ҳолатлар асосан аёлларга, оналарга тегишли. Аномалия нуқсонлари қандай пайдо бўлади?

Ҳомиладорликнинг биринчи даврида боланинг юз, бош қисми шаклланиб боради. Қолган даврда шу шаклланган органлар ривожланади. Кўпчилик ҳолларда ҳомиладор аёллар шу 2-3 ой давомида ҳатто шифокор-гинеколог ҳисобига ҳам турмайдилар. Ўз саломатлигига мажбурий ҳолларгагина, аҳволи оғирлашганда мурожаат қиладилар. Бу даврда ҳатто оғир меҳнат билан ҳам шуғулланадилар. Натижа эса аён. Бола юз-жағ қисми шаклланиши ниҳоясига етмаслиги ёки жароҳатланиши мумкин. Ҳомиладорликнинг иккинчи даврида юқорида айтиб ўтилган зарарли одатлардан ташқари аёлларнинг ўзларида учрайдиган касалликлар — камқонлик, витаминлар ёки бошқа ҳаётий зарур моддаларнинг етишмаслиги, қон босимининг юрак ёки буйрак хасталиги ҳисобига кўтарилиб кетиши, буларнинг ҳаммаси тишларнинг меъёрида муртак ҳосил қилишини бузади. Натижада гўдак дунёга келгандан сўнг тишлари нуқсон билан кечикиб, ноўрин жойлашиб чиқади.

Шуни таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойлардаги болаларда юз-жағ ва тишлар аномалияси шаҳардагига нисбатан бир неча баробар кўп учрайди. Бунга қишлоқ аёлларининг оғир меҳнат билан кўпроқ шуғулланиши сабаб бўлади. Ҳомиладор аёл гинеколог тавсияси билан ҳамма соҳа шифокорлари, шу жумладан, стоматолог кўригидан ҳам ўтса, ўзи учун ҳам ва туғилажак фарзанди саломатлиги учун ҳам замин яратган бўларди. Гўдак туғилгандан кейин ҳам вақти-вақти билан стоматолог кўригидан ўтиб туриш фойдадан ҳоли бўлмасди. Фарзандларимизни қанча эрта стоматолог ҳузурига олиб келиб, у ердаги шароит, асбоб-ускуналар билан таништирсак ва тишларда ҳали оғриқ бошланмасдан даволашни бошласак, кўркинч деган имтиҳондан осон ўтган бўлардик. Кўпчилик ҳолларда ҳатто катталар ҳам оғриқ кучайгач, овқатланишга қийналиб, ўхлолмай қолгандан кейингина шифокорга мурожаат қилишади. Тўғри, ҳозирги ўз касбининг моҳир устаси бўлган шифокорлар ҳар қандай ҳолда ҳам оғритмай даволай олади. Лекин албатта, касалликни муолажа қилишдан кўра унинг олдини олиш анча осон ва бехавотир. Мен хизмат қиладиган Юнусобод туман соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 2-болалар стоматологик поликлиникаси қошида малакали мутахассислар ва врачлар малакасини ошириш институти «Болалар ва ўсмирлар стоматологияси» кафедраси илмий ходимлари фаолият кўрсатадилар. Кафедра нафақат Тошкент шаҳри, балки республикамизнинг барча вилоятларидан келган беморларга ҳам диагностик даволаш хизматини кўрсатади. Мақсадимиз эса ягона - фарзандларимизни тиш оғриғи азобидан халос этиб, уларнинг соғлом вояга етишига муносиб ҳисса қўшмоқдир.

Нигора ДУШАБОЕВА
суҳбатлашди

ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Июн ойининг учинчи ўн кунлигида, яъни 20 июнда, Эшқобод бурғи остида таҳририятимиз етакчи оператор-мутахассиси Гулмира Дўстова ҳамда 26 июнда Қисқичвақа бурғи остида бирлашган таҳририят Бош муҳаррир ўринбосари Сирожиддин Раупов таваллуд топган.

Гулмирахон ва Сирожиддин!

Газетамиз ва журналимизнинг ҳар бир сони, саҳифаси, варағи ва сатрида Сизнинг меҳнатингиз, ҳиссангиз, қалбингиз ва қўлингиз тафти бор. Ушбу тафт, зеро, қуёш нурларига ўз нурини энг кўп сочган кунлар фарзандларисиз.

Тавриклаймиз, қутлаймиз, соғлиқ ва ижодий парвозлар тилаймиз.

Бирлашган таҳририят жамоаси

ЎЗБЕКНИНГ ШОҲ ҚИЗЛАРИ

Эртак эрмак эмас, кимки тушунса,
Жавоб бор замоннинг сўроқларига.
Бу кўҳна дунёни чарҳлаган кунлар
Суяниб яшайди чироқларига.
Қай эртак ўқиманг шоҳнинг қизлари,
Шартсиз теккан эмас куёвларига.
Қанчаси чидолмай осилиб қолган,
Синовга боғланган аёвларига.
Сиз асли ўзбекнинг шоҳ қизларисиз,
Қўл етмас юлдуздек нурланинг, порланг.
Бу юртнинг мард, жасур йигитларини
Синовга чақиринг, майдонга чорланг.
Ким сизни деса гар, Ватан сўзидек
Оловдек чарсиллаб кўкарсин, айтинг.
Элини таниса, кимлигин билса,
Кўзини кундадан кўтарсин айтинг.
Юз қадам наридан нишонга ол, денг,
Кўзга кўринмаган юртфуруш кўзин.
Улуғ боболарнинг руҳин кўрсатиб,
Сўранг, танирмикан шундан сўнг ўзин.
Чиройи, касби-ю, молу дунёси...
Ҳаммаси насибдур алқаса тақдир.
Белида белбоғи маҳкам йигитга,
Малика бўлмоққа арзийсиз, ахир.
Авлодлар келмоқда, ёшлар ўсмоқда,
Ёруғ кун йўлларга нурлар илади.
Мардларки, аслида оналар туғиб,
Сизлардек шоҳ қизлар ботир қилади.

Ҳамид НОРҚУЛ

Спорт

МЕЗБОНЛАР МЕҲМОНЛАРНИ АЯШМАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон IX миллий чемпионати олий лига жамоалари ўртасидаги биринчи давранинг XVIII тури ҳам ўз ниҳоясига етиб яна бир тур ўйин қолди.

Ушбу жамоаларнинг асосий учрашуви шубҳасиз Самарқандда "Самарқанд-Д" ва Тошкент вилоятининг "Дўстлик" жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Медаллар учун курашаётган бу икки жамоа ўртасидаги ўйин тўплар шодасига бой бўлди. Ўзбекистоннинг «суперклуби»га айланиб бораётган "Дўстлик" жамоаси мезбонлар қаршилигига атиги 9-дақиқа бардош бердилар, ушбу дақиқада Самарқанд ярим ҳимоячиси Р.Фузайловнинг зарбасини дарвозабон Аҳмедов қайтаришга ожизлик қилди. Шундан сўнг мезбонлар дарвозаси олдида ҳам хавфли вазиятлар бўлиб турди ва 15-дақиқада ўз исботини топиб "Дўстлик" ҳужумчиси Б.Ашурматов ҳисобни тенглаштирди. Қизғин давом этган ўйинда дарвозаларга кетма-кет еттита тўп киритилиб, "Самарқанд-Д" жамоаси меҳмонлар устидан йирик ҳисобда ғалабага эришди (6:3).

Таркиби кундан-кунга кучайиб бораётган Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ўйинида ўзгариш сезилмаяпти. Пойтахтликлар бу сафар ҳам меҳмонда мағлубиятни аламини тортишди. Улар Бухорода "Бухоро" жамоасига қарши тўп суришди. Биринчи бўлимнинг 27-дақиқасигача бухороликлар "Пахтакор" дарвозасига кетма-кет учта тўп йўллашди. Шундан сўнг "Пахтакор"чилар ҳам қайта ҳужум тактикасини қўллаб, биринчи бўлим охиригача ҳисобни тенглаштиришга эришдилар. Ушбу ўйинда тиниб тинчимаган И. Шквирин дублга эришган бўлса-да, ўз жамоасини мағлубиятдан қутқариб қололмади. У.Баҳоев иккинчи бўлимнинг 63-дақиқасида ўз жамоаси учун муҳим бўлган ғалаба тўпини киритди. Ҳисоб 4:3, мезбонлар ғалаба қозонишди.

Қаршининг "Насаф" жамоаси пешқадам клубларни таъқиб қилишдан қолмаяпти, бу гал улар ўз майдонида Бекободнинг "Металлург" жамоасини қабул қилишди. Ўйин мезбонлар устунлигида ўтиб, 15-дақиқада "Насаф" хужумчиси З. Холмуродов ҳисобни очган бўлса, орадан бир дақиқа ўтиб меҳмонлар ўйинчиси Ш.Саидов орадаги фарқни тенглаштирди. Бу икки футболчи ўн дақиқа мобайнида яна биттадан гол соҳиби бўлишди, биринчи бўлим дуранг натижа билан якунланди (2:2). Иккинчи бўлимда қаршиликлар рақиб дарвозаси олдида кетма-кет хужумлар уюштириб турдилар, 46-дақиқада З.Холмуродов 11 метрлик масофадан (пеналти) рақиб дарвозасига аниқ тўп йўллаб, жамоасини олдинга олиб чиққан бўлса, 67-дақиқада Б. Ҳайдаров жамоасининг муҳим ғалабасини таъминлади, 75-дақиқада эса Ю.Агеевнинг киритган тўпи орадаги фарқни қисқартирди (4:3). "Насаф" жамоаси навбатдаги 3 очкони қўлга киритиб, мусобақа жадвалида учинчи ўринни эгаллаб турибди.

"Гулистон" жамоаси эса "Андижон"ликлар меҳмони бўлишди, мезбонларнинг беш тўпига "Гулистон" жамоаси фақат бир тўп билан жавоб қайтарди, холос. Кундан-кунга ўйини очилиб бораётган "Андижон" жамоаси кейинги турда водийнинг яна бир кучли жамоаси "Нефтчи"-ни қабул қилишади, бу ўйин андижонликлар учун қийин синов бўлиши турган гап...

Турнир аутсайдерлари "Темирйўлчи" ва "Турон" жамоалари "жанговор" дурангга эришдилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Навбаҳор"-"Хоразм" 3:1, "Зарафшон"-"Кимёгар" 0:0, "Қизилқум"-"Семурғ" 0:0, "Нефтчи"-"Сўғдиёна" 3:1, "Сурхон"-"Трактор" 2:0. Энг кўп футбол ишқибозлари Самарқанд ўйингоҳига тушишди (25.000).

Учрашувларда жами 41 та тўп киритилди, 33 футболчи огоҳлантирилди. Тўпурарлар баҳсида "Дўстлик" жамоаси ҳужумчиси Ж.Ирисметов карвонбошилик қилаяпти 19 та, "Насаф" жамоаси ҳужумчиси З.Холмуродов бу турда хеттрикка эришиб, тўплар сонини 16 тага етказган бўлса, "Самарқанд-Д" ҳужумчиси М.Мухаммадиев ҳисобида бу рақам 14 та тўп.

***

Куни кеча Ўзбекистон Кубок ўйинларининг жавоб учрашувлари ҳам ўтказилди. "Нефтчи" ўз майдонида "Дўстлик" билан 2:2 дуранг ўйнашди. "Самарқанд-Д" ва "Насаф" жамоалари ўртасидаги учрашув 3:1 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига ҳал бўлди.

Шундай қилиб, Тошкентдаги марказий "Пахтакор" стадионида ўтказиладиган финал босқичида икки ўйин натижасига кўра "Дўстлик" ва "Самарқанд-Д" жамоалари ўзаро беллашадилар.

Нигора ТУРСУНЗОДА

18-турдан кейинги вазият қуйидагича:

	Жамоалар	У	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.	ДЎСТЛИК	18	14	2	2	49-20	44
2.	САМАРҚАНД-Д	18	13	1	4	43-21	40
3.	НАСАФ	18	11	5	2	35-19	38
4.	НЕФТЧИ	18	10	6	2	32-16	36
5.	НАВБАҲОР	18	10	5	3	40-19	35
6.	СУРХОН	18	9	4	5	31-25	31
7.	СЕМУРҒ	18	9	3	6	33-23	30
8.	БУХОРО	18	8	3	7	19-21	27
9.	АНДИЖОН	18	6	7	5	31-24	25
10.	ЗАРАФШОН	18	6	4	8	16-29	22
11.	ТРАКТОР	18	6	3	9	19-21	21
12.	ПАХТАКОР	18	6	3	9	26-30	21
13.	ҚИЗИЛҚУМ	18	5	6	7	16-24	21
14.	МЕТАЛЛУРГ	18	5	5	8	17-23	20
15.	СЎҒДИЁНА	18	5	4	9	16-28	19
16.	ГУЛИСТОН	18	5	2	11	24-34	17
17.	КИМЁГАР	18	3	7	8	14-27	16
18.	ХОРАЗМ	18	3	5	10	14-25	14
19.	ТЕМИРЙЎЛЧИ	18	3	4	11	21-39	13
20.	ТУРОН	18	1	5	12	14-42	8

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛГАЙ!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Адолат» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Нурулла Зокировга волидан муҳтарамаси

ХАБИБА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ (масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-546 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: С.ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 1
Тел: 133-24-14
132-14-18
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.